

ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ ПОЙДЕВОРИ

1992 йилнинг 8 декабрида қабул қилинган Конституция асосида Ўзбекистон халқи ўз тараққиёт йўлини белгилаб олди. Ўзбекистон бозор иқтисодиёти муносабатларига асосланган ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти қуриш йўлини танлади.

3
бет

ТАДБИРКОРЛИК НИҚОБИ

... Шу йўл билан ноқонуний бойлик тўплашга киришган А.Мусаев ва унинг ҳамтовоқлари жиноий даромадларни легаллаштиришнинг ўзига хос йўлини топишган: улар бу пуллари инвестиция сифатида республикамизга олиб киришган.

8
бет

Mustaqillik huquq demakdir

НУҚУҚ

1997-йил 27-августдан чиқа бoshлаган

www.huquq-gazeta.uz

2012-йил 29-ноябр, №48 (829)



Ифтихор

Бoш прокуратурада



Эркин ва фаровон ҳаёт китоби

Салом САМАДОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси
прокурори

таълим олишлари учун барча шароитлар яратилган. Маълумотларга кўра, бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисининг саводхонлик даражаси 99,34 фоизга етган. Бу дунёдаги энг юқори кўрсаткичлардан биридир.

Шу ўринда юртимизда аҳоли соғлигини сақлашга ҳам алоҳида эътибор берилганлигини таъкидлаш жоиз. Истиқлол йилларида соғлиқни сақлаш тизимининг моддий-техник базаси тубдан яхшиланиб, муассасалар малакали кадрлар, замонавий асбоб-анжомлар билан таъминланди. Саломатлик-1 ва Саломатлик-2 дастурлари доирасида ҳар бир кишлоқ ва овулларда врачлик пунктлари ташкил этилди ва таъмирланди. Бу каби эзгу ишларнинг самараси ўлароқ мамлакатимизда аҳолининг ўртача умр кўриш даражаси сезиларли ошди. Бу "Давлат, халқ иродасини йодола этиб, унинг манфаатларига хизмат қилди" (2-модда), "Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга" (40-модда) деган нормалар ҳаёда муваффақиятли татбиқ этилаётганлигининг натижасидир.

Давлатнинг гуллаб-яшнаши учун эса, у жамиятни буюк келажакка бошловчи кучли бир қонунга эҳтиёж сезади. Ўз вақтида соҳибқирон Амир Темури салтанатидан "Темури тузуклари" ана шундай вазифани бажарган эди. Бугунги кун мисолида гапирадиган бўлсак, биз учун Ўзбекистон Конституцияси ана шундай Асосий қонун, дастуриламал вазифасини ўтамоқда.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг асосий қафолати бўлиши Конституциямизнинг яратилиши ўзига хос тарихга эга. Собик коммунистик тузум заифлашиб, СССР таркибидан республикаларнинг мустақилликка интилишлари кучайган бир даврда — 1990 йилдаёқ узокни кўра олган Юртбошимиз парламентимиз, зиёлилар, ҳуқуқшунослар олдига Ўзбекистоннинг янги конституциясини ишлаб чиқиш вазифасини қўйган эди. Натижада Президентимиз раҳбарлигида махсус комиссия тuzилиб, ишга киришилди. Комиссия томонидан тайёрланган Конституция лойиҳаси икки марта умумхалқ муҳокамага қўйилди.

Германия, Франция, Англия каби жаҳоннинг ривожланган давлатлари тажрибаси, миллий давлатчилигимиз анъаналари, халқимизнинг урф-одатлари, инсон ҳуқуқларига оид қатор халқаро ҳужжатлардаги демократик нормаларни эътиборга олган ҳолда тақомиллаштирилиб, ўн иккинчи қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида — 1992 йил 8 декабрда қабул қилинди.

Конституцияда давлат суверенитети, халқ ҳокимиятчилиги, қонун устуворлиги, барча

фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенглиги, бир сўз билан айтганда, эркин ва фаровон турмуш кечириши учун зарур бўладиган барча ҳуқуқий қафоллар мустаҳкамлаб қўйилган. Шу боис, Асосий қонунимиз жаҳондаги энг инсонпарвар конституциялардан бири сифатида эътироф этилади. У асосида қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари ҳамда амалга оширилаётган ислохотларда ҳам ушбу жиҳатнинг устувор эканлиги яққол кўзга ташланади.

Хусусан, Юртбошимизнинг Фармонида кўра тегишли қонунлар қабул қилиниб, 2008 йилнинг январь ойидан юртимизда ўлим жазоси бекор қилинди. Унинг ўрнига умрбод ёки узок муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси жорий этилди. Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиб, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари суд қарорисиз чеklang қўйилмаслигини таъминловчи ҳуқуқий механизм яратилди.

Келажакни кўзлаган ҳар бир давлат шубҳасиз ёш авлоднинг таълим-тарбиясига алоҳида эътибор қаратади. Шу боис, Конституциямизнинг 41-моддасида: "Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан қафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир", дея бежиз мустаҳкамлаб қўйилмаган. Ушбу Конституциявий норма ҳаёда бекаму кўст татбиқ этилиб, фарзандларимиз жаҳон стандартлари даражасида

2012 йил 23 ноябрь кuni Бoш прокуратурада ҳуқуқ-тартибот органлари, давлат бошқаруви идоралари, жамоат ва нодавлат ноtijорат ташкилотларининг Идораларо ҳамла республика ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг мувофиқлаштирувчи Кенгаши йиғилишлари бўлиб ўтди.

Вазифалар белгилаб олинди

Олимхўжа НАБИЕВ,
Бoш прокуратура бошқарма бошлиғи

Идораларо йиғилишда жиноятчиликка қарши кураш, унинг олдини олиш ҳамда фуқароларнинг ўз жонига қасд-суиқасд қилиш ҳодисаларининг сабаблари, бунга имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш борасида жамоатчилик билан мутасадди идоралар ҳамкорлигида амалга оширилган ишлар аҳоли муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар Қўмитаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Нуроний" жамғармаси, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда уларнинг жойлардаги таркибий тармоқлари билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда давлат бошқаруви идоралари ҳамкорлигида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда унга қарши курашиш борасида муайян ишлар амалга оширилганлиги таъкидлаб ўтилди.

Амалга оширилган ишлар билан бирга, бундай салбий ҳодисаларнинг олдини олиш борасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва жамоатчилик ўртасидаги ҳамкорлиқни янада кенгайтириш, бу борада ўтказилаётган комплекс чора-тадбирлар самарадорлигини таъминлаш ҳамда мутасадди идораларнинг масъулиятини ошириш лозимлиги ўқтирилиб, соҳада йўл қўйилаётган камчиликлар танқид остига олинди.

Республика ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари мувофиқлаштирувчи Кенгашининг навбатдаги йиғилишида фуқароларнинг бедарак йўқолганлиги ҳамда таниб олинмаган мурдалар топишганлиги ҳақидаги ариза ва хабарларни халқ қилишда қонунийлигини таъминлаш, қасддан одам ўлдириш жиноятларини фoш этиш, бу турдаги жиноятларнинг тергов истаидан прокурор назорати аҳоли, "Ўзбекистон Республикасида диний экстремизм ва терроризмга қарши курашни кучайтириш қаратилган тадбирлар Дастури" ижросини таъминлаш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

(Давоми 2-бетда)

Обуна — 2013 • Обуна — 2013 • Обуна — 2013 • Обуна — 2013

Ҳурматли нурдошлар!

2013 йилда ҳам "НУҚУҚ" газетаси
Сизнинг энг яқин ҳамкорингиз
бўлиб қолади. Газетамизга
«Матбуот тарқатувчи» АК ва барча
почта бўлимларида обуна
бўлишингиз мумкин.



Нашр индекси - 231

Обуна — 2013 • Обуна — 2013 • Обуна — 2013 • Обуна — 2013

Вазифалар белгилаб олинди

[Давоми. Бошланиши 1-бетда/]

Шунингдек, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан давлат бошқаруви органлари ва жамоатчилик билан ҳамкорликда амалга оширилаётган ишлар ҳолати, айрим турдаги жиноятларнинг ўсиши сабаблари, жиноятларни фош этишга қаратилган тезкор-қидирув фаолияти ҳамда суриштирув ва тергов ўтказилиши устидан прокурор нazorати аҳолини ўрганиш натижалари қўриб чиқилди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан қасддан одам ўлдириш ва унга суиқасд қилиш билан боғлиқ жиноятларга қарши курашиш ҳамда уларнинг олдини олиш борасида қўрилган чоралар туфайли бу тоифадаги жиноятларнинг сони бирмунча каммайиб, уларни фош этиш аҳоли яхшиланганлиги таъкидланди.

Ўтган даврда жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан давлат бошқаруви органлари ва жамоатчилик ўртасидаги ҳамкорликдаги фаолият янада яхшиланганлиги эътироф этилди.

Хусусан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлигининг комплекс чора-тадбирларини ишлаб чиқиш механизмидаги тақомиллаштиришга, айниқса профилактика инспекторларининг аҳоли ўртасидаги фаолияти самарадорлигини ҳамда жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашишдаги ролини оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Шулар билан биргаликда, тегишли органлар фаолиятида ушбу жиноятларни фош этишда тезкор-қидирув имкониятларидан самарали фойдаланиш, тезкор-тергов ҳаракатларининг ҳар томонлама, тўлиқ олиб борилишини таъминлаш, прокуратура, ички ишлар органлари ва бошқа мутасадди идораларнинг ўзаро ҳамкорлик ва ахборот алмашуви жараёнини янада тақомиллаштириш лозимлиги ўқтирилди.

Йиғилишда диний экстремизм, терроризм ва давлатнинг конституциявий тузумига таъжовуз қилиш билан боғлиқ жиноятларга қарши кураш борасида муайян ишлар амалга оширилганлиги қайд этилиб, шу билан бирга, юқорида кўрсатилган Дастур ижроси юзасидан олиб борилаётган ишларни янада жадаллаштириш, белгиланган чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли ўтказилишини таъминлаш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа жамоатчилик тузилмалари билан ҳамкорлиги янада кенгайтириш, шунингдек бу борадаги прокурор ва идоравий назоратининг таъсирчанлиги ва самарадорлигини ошириб бориш лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Йиғилишларда муҳокама қилинган масалалар юзасидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, хотин-қизлар кўмиталари, ўзини ўзи бошқариш ва давлат бошқаруви идоралари масъул раҳбарларининг ахборотлари тингланди.

Идоралар ва Мувофиқлаштирувчи Кенгаш йиғилишларида мавжуд камчиликларни бартараф этиш ҳамда ушбу соҳаларда фаолият самарадорлигини оширишга қаратилган қарорлар қабул қилиниб, ижросини таъминлаш учун тегишли органларга юборилди.

Анджон вилоят прокуратурасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, давлат бошқаруви идоралари ҳамда жамоатчилик ташкилотларининг идоралараро йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ички ишлар, соғлиқни сақлаш, халқ таълими, ўрта махсус касб-хуна таълими, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармалари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда "Нуроний" жамғармиси вилоят бўлимлари мутасаддилари иштирок этишди.

Ҳамкорликдаги фаолият таҳлилига бағишланди

Йиғилишда жорий йилнинг ўтган даври мобайнида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, давлат бошқаруви идоралари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан 2012-2013 йиллар давомида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқий тартибни амалга ошириш юзасидан ҳамкорликдаги чора-тадбирлар режасининг бажарилиши таҳлил қилинди. Хусусан, жойларда мутасаддилар томонидан мунтазам равишда чора-тадбирлар ўтказиб келинаётганига қарамай, турли ёшдаги кишилар орасида жиноят содир этиш ҳоллари камаймаётганини таъкидланди. Вилоятнинг аксарият ҳудудларида умумий жиноятчиликнинг камайишга эришилган бир вақтда, бу кўрсаткичнинг Анджон, Жалақудук, Қўрғонтепа ва Булоқбоши туманларида ҳамда Хонобод шаҳрида ортиб кетишига йўл қўйилган.

Бу эса жойларда маҳаллий ҳокимликлар томонидан жиноятчиликка қарши курашиш чо-

Шавкатбек ИСОМИДДИНОВ,
Анджон вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

ралари қўрилмаганлиги билан бир қаторда, тегишли давлат идоралари, жумладан, хотин-қизлар кўмиталари, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш идоралари, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Маҳалла" жамғармаларининг бу йўналишдаги фаолияти йўналтириб борилмаганлигидан далолат беради.

Йиғилишда ички ишлар, халқ таълими, ўрта махсус касб-хуна таълими, соғлиқни сақлаш бошқармалари, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати мутасаддиларининг мавзу юзасидан ахборотлари тингланди. Жиноятчиликка қарши курашда барча муассаса ва ташкилотлар ўртасида узвий ҳамкорлик йўлга қўйилиши зарурлиги таъкидланди, тегишли вазифалар белгилаб олинди.

Ҳар ишда қоида бор

Бахтиёр ўтган йилдан буён Жиззах шаҳар ҳокимлигининг рўйхатдан ўтган уяли алоқа воситаларига хизмат кўрсатувчи ва авиачипталар савдоси билан шуғулланувчи "Aloqa Yo'ldosh Invest" хусусий корхонаси раҳбари вазифасида ишлаб келарди. Ишнинг кўзини билган, фаолияти давомида ўз манфаатларини ҳар нарсадан устун қўйиб, мўмайгина даромад топиш дардида тушган бу йигит қилмишларини ҳеч ким пайқамайди, дея қинғир ишларни бичиқиб юборди. Аммо, Б.Пай-зиқуловнинг жинояти ўзи кутмаган ҳолда фош этилди.

Хуллас, у Республика Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидаларини ҳамда Ўзбекистон Республикасида умумий овқатланиш махсулотларини (хизматларини) ишлаб чиқариш ва сотиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида"ги, "Фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналарининг қўлланишини янада тақомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда "Пул маблағларининг

банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорлари талабларига зид равишда иш юритди. Янада аниқроқ айтганда, корхонанинг Жиззах шаҳар Алишер Навоий кўчасида жойлашган "Paynet" шохобчасига "Меркурий-115Ф" русумли назорат-касса машинасини ўрнатди-ю, ундан фойдаланишни "унутди". Натижада назорат-касса машинасини ишлатмаган ҳолда жами 146 млн. 366 минг сўмлик савдо ва хизмат кўрсатиш фаолияти олиб боришган. Шунингдек, 33 млн. 774 минг 500 сўм нақд пул маблағини назорат-касса машинаси хотирасига киритмасдан, ноқонуний равишда нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг "Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида"ги Қарорининг 37-бандида ЖКнинг 57-моддасининг мувофиқ содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий қайта кўриб чиқариш ҳолатлари аниқланган

Хушнур МАКСУДОВ,
Жиззах вилоят прокуратураси бўлим прокурори

тақдирда, Жиноят кодекси махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ эки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкинлиги, бунда қонунга мувофиқ судлар, нафақат шахс жиноят содир этиш вақтида қўзлаган мотив ва мақсад, айб шакли ва даражасини, балки айбдорнинг шахси, жиноят иштирокчилари орасидаги роли, жиноят содир этилиши пайтидаги ёки жиноят содир этилгандан кейинги ҳулқ-атвори, жиноятнинг содир этиш сабаблари ва унга олиб келган шарт-шароитни ҳам эътиборга олишлари лозимлиги кўрсатилган.

Суд давомида Бахтиёр Пай-зиқулов айбига тўлиқ иқроқлигини, қилмишидан пушаймонлигини билдирди. Шунга қўра, унга энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз баравари миқдорида жарима жазоси тайинланди.

Хулоса чиқармади

Нодир БАБАРАХИМОВ,
СВОЖДЛКК Департаментининг Тошкент шаҳар бошқармиси катта инспектори

Инсон табиятига хос бўлган иллатлардан бири бу ялқовликдир. Бу "касалик" ҳаммамизда маълум даражада мавжуд. Шу маънода, ишнинг кўзини биладиган, уddaбурон шахсларга бошқаларнинг ҳава-си келиши ҳам бор гап. Бироқ, қонунга хилоф фаолият орқали рўзгор тебратиш, боз устига аксарият юрдошларидан тўқинор ҳаёт кечириётганларни ким, деб атасак тўғри бўлар экан?

Тўғри, бу тоифадагилар ҳам тиним билмай ишлайди. Аммо, афсуски, иш билан ишнинг фарқи бор эканлигига бундайлар панжа орасидан қарайдилар-да, охири-оқибат суднинг қора курсисидан ўрин эгаллаб, жиноятчи деган ном орттиришлар.

Ачинарлиси эса, бир марта содир этган жинояти учун жавобгарликка тортилиб, кейин яна шу турдаги жиноий ҳаракатни амалга оширганлар ҳам учраб турибди. Фуқаро Ф.Усмонов ҳам муқаддам валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда сотишда айбланиб, судлан-

ган эди. Бироқ у бундан тегишли хулоса чиқармай, яна шу турдаги жиноятни содир этди. Жумладан, жорий йилнинг 6 апрель куни шериги А.Эшонов билан Тошкент шаҳридаги "Фудзияма" кафеси яқинида фуқаро Назруллаевга 1 АҚШ долларини 285 сўмдан ҳисоблаб, 7 минг АҚШ долларини 19 млн. 950 минг сўмга сотган вақтда, Бош прокуратура ҳузуридаги солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаментининг ходимлари томонидан ушланди. Ф.Усмонов илгари қўл урган жинояти учун судланиб, унга нисбатан амнистия акти қўлланилган ва жазони ўташдан озод қилинган эди. Ана энди суд томонидан белгиланган жазони тўлиқ ўташга мажбур бўлди.

Қинғир йўлда адашганлар

Юртимизда тадбиркорларга кенг шароит ва имтиёзлар яратиб берилган. Аммо бу улар энди истаган ишни амалга оширади, деган фикрни илгари сурмайди. Чунки, ҳар бир ишда қонун-қоида бор. Шу боис, тадбиркорлик субъектларини солиқ тўловчи сифатида ўз ҳуқуқ ва имтиёзлари билан бир қаторда, мажбуриятларини ҳам билишлари ва албатта, уларга амал қилишлари лозим бўлади. Акс ҳолда қонун олдида жавоб беришларига тўғри келади.

Сатторқул Сулаймонов "Даштобдо паррандаси" МЧЖ раиси, Абдуқанон Беккулов эса шу корхона ҳисобчиси бўлиб ишларди. Нима бўлди-ю, улар ўзларига берилган имкониятдан ортиғи билан фойдаланишни истаб қўлишди ва ўзаро жиноий тил бириктиришди. Раис ва ҳисобчининг "ҳаракатлари" охири-оқибат давлат ва жамият манфаатларига анча миқдорда зарар келтирди.

Ўтган йил давомида 14 млн. 256 минг сўмлик туҳум ва 23 млн. 454 минг сўмлик пресланмаган пахта калта момиғи аралаш чиқиндисини сотишдан тушган 37 млн. 710 минг сўмни, жорий йил етти ойи

давомида 25 млн. 637 минг 600 сўмлик туҳум ва 37 млн. 109 минг 500 сўмлик пресланмаган пахта калта момиғи аралаш чиқиндисини сотишдан тушган 62 млн. 747 минг 100 сўмни, умумий ҳисобда 100 млн. 457 минг 500 сўмлик нақд пуллар учун харидорларга чек ёки бошқа тўлов паттасини уриб беришмаган. Натижада МЧЖ раҳбарлари сотувдан тушган жами 100 млн. 457 минг 500 сўм нақд пул маблағларини банкдан ташқари айланмасига йўл қўйишган ва бу билан товарлар савдоси ва хизмат кўрсатиш қоидаларини бузда кўп миқдорда қасддан бешишган.

Бундан ташқари, С.Сулаймонов ва А.Беккуловлар МЧЖнинг 2012 йил 1 январдаги ҳолатига солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан 9 млн. 435 минг 500 сўм қарздорлиғи борлигини яхши билишарди. Шунга қарамайдан сотувдан тушган пулни банк ҳазинасига топширмай, шунча миқдордаги солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлашган.

Айбдорлар, ушбу пулларга паррандалар учун озуқа сотиб олишгани, паррандаларни озиклантириш учун банкдан ўз вақтида пул олишининг имкони-

Шохруҳбек СОЛИЕВ,
СВОЖДЛКК Департаментининг Зомин туман бўлими инспектори

яти бўлмагани каби баҳоналар билан ушбу ҳолатни ҳас-пўшлашга уринишди. Аммо, уларнинг бу ваъжлари ўз тасдиқини топмади. Чунки, катта ишга қўл урган, хусусан, тадбиркорликка интилган киши борки, ҳамма томонини ўйлаб, яъни етти ўлчаб, бир кесади.

Ҳисобчи А.Беккулов муқаддам шу каби жиноятни содир этиб, икки ярим йил муддатга ахлоқ тузатиш ишларига жалб этилган ва жазони тўлиқ ўтаган эди. У бундан ўзига етарли хулоса чиқариб олган бўлиши лозим эди. Аслида эса бундай бўлмади.

Дастлабки тергов жараёнида улар тўланмаган солиқнинг бир қисmini тўлаб беришди.

Суд ҳаққала қонунбузарни иш ҳақининг 30 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолиш шарти билан 3 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишига ҳукм қилди. Тўланмай қолган 2 млн. 435 минг 500 сўмлик солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар С.Сулаймонов ва А.Беккуловлардан солидар тартибда ундириладиغان бўлди.

Давлатимизнинг Бош Қонуни — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигига 20 йил тўлмоқда. 8 декабрь санаси ҳуқуқ ва бўрчларимиз, мажбуриятларимизни мужассам этган Асосий қонунимиз яратилган кун сифатида ҳар биримизнинг қалбимиздан чуқур ўрин олган. Чунки, ҳаёт йўлиминизни, мақсад, орзу-истакларимизни белгилашимизда, уларнинг рўёбга чиқишини таъминлашимизда Конституция муҳим ўрин тутди.



Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 20 йиллигига бағишланади

Халқ иродасининг ифодаси

Ушбу ҳужжат бевосита Ўртбошимиз ташаббуси ва раҳнамолигида ишлаб чиқилган. У минглаб йиллик тарихимиз давомида шаклланган миллий менталитетимиз хусусиятларини сақлаган ҳолда, "Ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибасига таяниб", инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат қуришнинг зарур юридик асосларини белгилади. Конституция туфайли инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият мақомига кўтарилди. "Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий маъқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар" (18-модда), деган жумлалар нафақат демократия тамойилларига садоқат белгиси сифатида, балки ижтимоий адолат тантанаси йўлидаги салмоқли қадам сифатида барчамизнинг тилимиздан ва дилимиздан жой олди.

Яна шунинг эътирофи эди, 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси эндигона мустақилликка эришган давлат тараққиётининг асоси, миллатнинг юзи ва халқнинг эрки ифодаси бўлиб хизмат қилди. "Мустақиллик декларацияси", "Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллигини эълон қилиш тўғрисида"ги Қарор, "Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида"ги Қонун ва Конституциянинг қабул қилиниши билан давлат бошқаруви ва жамиятни бошқаришнинг тамоман янги ҳуқуқий тартибга солиш асослари яратилди.

Конституцияда Ўзбекистонда давлат ва жамият қурилишининг асосий принциплари аниқ ифодалаб берилди. Давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти тармоқларига бўлиниши энг муҳим принцип сифатида белгиланди. Шунингдек, инсон ҳуқуқларининг давлат манфаатларидан, умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларининг миллий ҳуқуқий нормаларидан устуңлиги ҳам Конституцияда белгилаб қўйилди.

Барчамизга маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" мавзусидаги маърузаси давлат ва жамият тараққиётида янги босқинчи бошлаб берди. Ўртбошимиз томонидан илгари сурилган гоълар, тақлифлар яъни: давлат ҳокимияти ва

бошқарувини демократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислох этиш, мамлакатимизни демократик янгиланишнинг бугунги босқиндаги энг муҳим йўналишлардан бири бўлган қонун устуворлигини ва қонунийликни мустаҳкамлаш инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилгандир.

Айни пайтда, ушбу Концепция асосида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қатор моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Бу ўзгартиш ва қўшимчаларнинг ҳаётга татбиқ этилиши, шубҳасиз, мамлакатимизнинг ижтимоий ҳаётини ривожлантиришда, демократик ислохотларни чуқурлаштириш борасида асосий ва ҳал қилувчи рол ўйнайди.

Мамлакатимизда инсонпарвар, ҳуқуқий демократик жамият барпо этиш, инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини олий қадрият сифатида қарор топтириш борасида ўтган йиллар мобайнида ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий, ҳам ижтимоий-маданий соҳаларда қандай натижа ва ютуқларни қўлга киритган бўлсак, буларнинг барчаси Конституциямизда муҳрлаб қўйилган қоидалар ва принциплар билан узвий боғлиқ.

Айниқса, шонли сана арафасида ўтаётган йил сарҳисоб қилиниб, янги режалар, дастурларга ҳаётга йўланма берилган аънаа тусини олган.

Кейинги йилларда ҳар бир йил алоҳида номланиб, муайян ижтимоий қатлам манфаатларини ҳимоя қилиш, бирон соҳани кенг қамровли ривожлантириш мақсадида махсус Давлат дастури қабул қилинмоқда. Йил давомида дастур ижроси таъминланапти.

Шу маънода жорий йилнинг "Мустаҳкам оила йили" деб эълон қилиниши қатор хайрли ишларнинг амалга оширилишига сабаб бўлганлигини алоҳида эътироф қилиш жоиз. Оила, унинг жамият билан муносабати, ота-онанинг фарзанд, фарзанднинг ота-она олдидидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари Конституцияда аниқ ва равшан белгиланган. Халқимиз учун оила нафақат бирга-лиқда яшовчи маскан, балки миллатнинг бардавомлигини таъминлайдиган, аънаа ва қадриятлар шаклландирган, инсоннинг ҳар томонлама камолга етишини кафолатлайдиган улкан даргоҳ саналади. "Мустаҳкам оила йили" муносабати билан қабул қилинган Давлат дастури асосида оилаларнинг моддий, маънавий мустаҳкамлигини таъминлаш, ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, соғломлаштириш борасида амалга оширилган ишлар эътирофга сазовордир.

"Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли", "Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳол-

Шухрат ИСМОИЛОВ,
Шовот туман прокурори

ларда ва тартибдагина мулкдан маҳрум этилиши мумкин", деган қоидалар республика Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилгач, мамлакатимизда режали иқтисоддан воз кечилиб, бозор иқтисодиёти таомилларига кенг йўл очилди. Бу эса тadbirkorлик ҳаракатининг кенг қулоқ ёйишига замин ҳозирлади. Ишнинг кўзини биландиган, уздабурон элдошларимиз ўз маблаглари ҳамда тижорат банкларининг имтиёзли кредитлари ҳисобига ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида пешқадамлик қилишмоқда. Йил сайин тadbirkorларга янгида янги имтиёзлар берилиб, қулайликлар яратилди. Солиқ юки ҳам енгиллаштирилмоқда. Ҳозирда хусусий мулкдорлар халқ ҳўжалигининг деярли барча соҳасини қамраб олган. Бунинг эвазига мамлакат агли ички махсулотидидаги хусусий секторнинг улуши тобора ортиб бормоқда.

Конституциянинг ҳар бир банди, унинг ҳаётга тadbirkor этилиши ҳақида қатор мисоллар билан гапириш мумкинлиги қалбимизни гурур ва ифтихорга тўлдирди. Бош қонунимиз ҳаётимизнинг чинакам машъаласидир. Бу машъала сочаётган нур зиёси йиллар давомида умримизни ёритиб туражак.

Ҳуқуқий давлат пойдевори

Ўзбекистонда демократик-ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти сари ташланган энг биринчи ва қатъий қадам, бу, шубҳасиз, умумэтироф этилган, халқаро ҳуқуқ нормалари, андозлари талабларига жавоб берадиган замонавий Конституциянинг қабул қилиниши бўлган эди. Асосий Қонунимиз муқаддасида санаб ўтилган устувор меъёрлар Ўзбекистон халқи, ҳар бир фуқароси ҳаётининг маъноси, мақсади нечоғли улуғвор ва эзгу эканлигини умумбашари-ятта маълум қилди.

Ўзбекистон Конституциясининг дунёга келишига асосан икки-та омил сабаб бўлган эди. Илгари амал қилиб келган барча конституциялар ўз халқи ва худудини эркин, демократик асосда бошқарадиган мустақил давлат талабларига жавоб беролмай қолди. Бошқача айтганда, давлат мустақиллигининг эълон қилиниши Ўзбекистон Республикаси янги Конституциясини ишлаб чиқиш ва қабул қилишни тақозо этган асосий омил бўлди.

Давлат ўз суверенитетини қўлга киритган, табиийки, буни Конституциявий асосда мустаҳкамлаш зарурати туғилади. Конституцияда янги давлатнинг мақсади, ички ва ташқи сиёсий тамойиллари, инсон ҳуқуқларига, демократиянинг ва ижтимоий адолатнинг олий мақсадларига муносабати мустаҳкамлаб қўйилмоғи лозим. Узининг тўзилиши, йўналиши, маъмуни жиҳатдан аввалги конституциялардан принципиал равишда фарқ қилувчи Ўзбекистон Конституцияси дастлабки

моддасидан тортиб, то охириги 128-моддасига қадар мустақиллик гоъси билан сўғорилди.

Конституция мамлакатимиз халқаро муносабатларнинг мустақил субъекти эканлигини, ташқи сиёсатни ўз манфаатларидан келиб чиқиб олиб бориши, халқаро ташкилотлар ва давлатлараро тузилмаларга кириш ҳуқуқини қонуний мустаҳкамлаб қўйди.

1992 йилнинг 8 декабрда қабул қилинган Конституция асосида Ўзбекистон халқи ўз тараққиёт йўлини белгила олди. Ўзбекистон бозор иқтисодиёти муносабатларига асосланган ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти қуриш йўлини танлади. Ўтган йиллар мобайнида юртимизда катта ўзгаришлар содир бўлди. Ҳуқуқий давлат қуриш борасида, иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислохотларни ривожлантириш, аҳолини ижтимоий ҳуқуқфаза қилиш, маънавиятни юксалтириш масалаларида ибратли ишлар амалга оширилди.

Мамлакатимизда тинчлик ва осо-

йишталик, миллатлараро тотувлик ҳукм сурмоқда. Бунёдкорлик ишлари учун шарт-шароитлар яратилди. Ўзбекистон халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъекти сифатида жаҳон миқёсига чиқди. Энг муҳими, фуқароларнинг эртанги кунга, буюк келажака ишончи мустаҳкамланди. Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек, "...эришган ютуқларимизнинг, бугун кечаётган тинч ва осуда ҳаётимизнинг, эртанги кунимизга бўлган ишончимизнинг, халқаро майдонда ортиб бораётган обрў-эътиборимизнинг негизига Конституциямиз белгилаб, муҳрлаб берган қонуний ва ҳуқуқий асослар тургани ва уларни оғишмай ҳаётимизга татбиқ этаётганимиз мужассамдир".

Қўпчилик олимлар Конституцияни қонунчиликнинг "умуртқа поғонаси" сифатида таърифлашади. Шу ўринда, Ўзбекистон Конституциясининг қонунчилик ва қонунийлик муаммоларини ҳал этишдаги, ислохотлар жараёнидаги аҳамиятига эътибор қаратиш мақсада мувофиқдир.

Юридик адабиётларда қонунчилик деганда ваколатли давлат органлари ва мансабдорларнинг (референдум орқали бутун халқнинг) ҳуқуқ нормаларини ўрнатиш, ўзгартириш, такомиллаштириш ва бекор қилишга йўналтирилган махсус фаолияти назарда тутилади. Бу ваколатли органлар ичи-

Саидобит ЖўРАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий
прокурорининг катта ёрдамчиси

да парламент алоҳида ўрин эгаллайди. Конституциявий нормаларни ривожлантиришга қаратилган, жамият ва давлат манфаатларини ўзида ифода этган мазкур қонунларни қуйидаги йўналишларга ажратиб таърифлаш мумкин.

Биринчи йўналиш — давлат қурилиши ва бошқарувида доир қонунлар. Давлат мустақиллиги асослари тўғрисидаги конституциявий қонун, Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси, Конституциявий суд, судлар, прокуратура, божхона, Марказий сайлов комиссияси тўғрисидаги, маҳаллий давлат ҳокимияти фаолиятига доир қонунлар, Миллий хавфсизлик концепцияси шулар жумласидандир.

Шу ўринда Ўзбекистонда конституциявий институт саналган прокуратура тўғрисидаги қонунга қисқача тўхталиб ўтсак. Маълумки, прокуратуранинг ташкилий, ҳуқуқий шакли, асосий вазифалари Конституциямизнинг 118-121-моддаларида белгилаб қўйилган. Бундан ташқари прокуратура фаолияти янги тахрирдаги "Прокуратура тўғрисида"ги Қонун билан тартибга солинади.

/Давоми 5-бетда/

Доимий назоратда

Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелдаги "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуни талабларига кўра, Давлат истеъмолчиларнинг то-вар (иш, хизмат) сотиб олиши ва ундан фойдаланиш чоғидаги ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланилган манфаатларининг ҳимоя қили-нишни кафолатлайди.

Азиз РАҲМОНОВ,

Бош прокуратура бошқарма прокурори

Шундай бўлса-да, ушбу қонун ва соҳага оид бош-қа қонун ҳужжатлари иж-роси устидан олиб борилаётган про-курор назорати тadbирлари соҳада қонунийликнинг тўлиқ таъминланма-гани ва айрим соҳаларда қонунбузи-лиш ҳолатлари содир этилаётганли-гини кўрсатмоқда.

Масалан, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратил-ган қонун ҳужжатлари қаторига ки-рувчи "Йод этишмаслиги касалли-кли профилактикаси тўғрисида"ги Қонун ижроси Соғлиқни сақлаш ва-зирлиги, "Ўзстандарт" агентлиги ва уларнинг қўйи тизимларида ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органла-рида текширилганда истеъмолчилар-нинг сифатли ош тузи маҳсулотла-рига бўлган эҳтиёжи кўп ҳолларда кўпол равишда бузиб келинаётганли-ги аниқланди. Натижаларга кўра, қонунбузилиш, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият ярати-б бераётган шарт-шароитларни бартар-аф этиш тўғрисида тақдирномалар киритилди. Ноконуний ҳужжатларга нисбатан 90 та протест келтирилиб, 160 нафар мансабдор шахс қонунбу-зилишига йўл қўймаслик ҳусусида огоҳлантирилди, 570 нафар мансаб-дор шахс интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилди. Аниқланган 657 минг сўм зарарлар ихтиёрий ундирилиб, кўпол қонунбу-зилиш ҳолатлари юзасидан 20 та жиноят ишлари қўзғатилди.

Жумладан, Навоий шаҳрида фаоли-ят кўрсатаётган "Замирбек Полвон" масъулияти чекланган жамияти томо-нидан сифат сертификати ва гигие-ник сертификати эга бўлмаган, хав-фсизлик талабларига ҳам жавоб бер-майдиган "Навоий ош тузи" номи билан қадокланган 14 млн. сўмлик 87 тонна туз маҳсулоти ишлаб чиқари-либ, сотиш учун вилоятдаги савдо нуқталарига тарқатилган. Ушбу маҳсу-лот лаборатория текширувидан ўтқа-зилганда, "O'zDst 1091:2011" Давлат Стандарти талабларига зид равишда 1 кг. ош тузи таркибид яод микдро-й 10 мл.гр.дан ҳам кам эканлиги аниқланган.

Шунингдек, истеъмолчиларни ал-даш йўли билан савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларини кўпол равиш-да бузиб келаётганларнинг ҳам тано-би тортилди.

Қўқон шаҳридаги "Қўқон омухта ем" масъулияти чекланган жамияти-га қарашли 9-сонли шохобча муди-ри И.Бегмуродов ана шундай йўлни танлаганлардан экан. 54 нафар фука-рога омухта ем маҳсулотларини 19,8 млн. сўм қиммат нархда сотган муди-рга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Тергов ҳаракатлари натижасига кўра жамият мансабдор шахслари ҳамда И.Бегмуродовга нисбатан жа-зонинг муқаррарлиги таъминланди.

Бухоро шаҳридаги "Ибн Сино" ҳу-сусий дорихонасида эса субъектнинг кимга тегишли эканлиги, юридик ман-зили ва иш тартиби лавҳада акс эт-тирилмаганлиги, дори-дармон восита-ларида нархномалар мавжуд эмасли-ги каби ҳолатлар аниқланиб, дори-хона бошлиғи маъмурий жавобгар-ликка тортилди.

Бундан ташқари, текширишлар ҳудудий электр, газ, сув ва бошқа ко-ммунал хизмат кўрсатиш корхоналари мансабдор ва моддий жавобгар шах-слари томонидан истеъмолчилар амалга оширган тўловларни талон-торож қилиш ҳолатлари мавжудлиги-ни кўрсатмоқда.

Масалан, "Водийгазтаъминот" уни-тар корхонаси Избоскан туман фили-али газначиси А.Абдусаломов таби-ий газ истеъмоли учун ундирилган 6,7 млн. сўм пулни, "Когонгаз" филиали назоратчиси М.Қурбонова эса 2,4 млн. сўм пуллари корхонага топшир-масдан, ўзлаштириш йўли билан та-лон-торож қилганлар. Мазкур ҳола-тар юзасидан жиноят ишлари қўзға-тилиб, айбдорларга нисбатан жа-зо тайинланди.

Талон-торож қилинган электр ва та-биий газдан пайдо бўлган қарзларни яширишни мақсад қилиб, жиноятга қўл урганлар орасида соҳа мутасад-дилари ҳам учраб турибди.

Жумладан, "Водийгазтаъминот" унитар корхонасининг Андижон шаҳар филиали мансабдорлари магистрал газ тармоқларидан олинган ва истеъ-молчиларга етказиб берилаётган та-биий газ ҳамжи ўртасидаги 35 млрд. сўм камомадний баланс ҳисоботи ва компьютер базасида аҳоли қарздор-лигини асосиз ва сунъий равишда кўпайтириб кўрсатиш орқали яшириб келган бўлсалар, Қосон электр тар-моқлари корхонаси мутасаддилари томонидан ўтказилган хатловда тас-диқланмаган 8,9 млрд. сўм норéal қарздорлик аҳоли ҳисобига қўшилиб, фуқароларнинг қонун билан қўриқла-надиган манфаатларига зиён етказил-ган.

Вобкент электр тармоқлари корхо-наси мансабдор шахслари эса аҳоли хонадонларидидаги ҳисоблагичларни кўздан кечирishi натижаси бўйича ту-зилган далолатномаларни қалбаки-лаштириб, туман бўйича талон-торож қилинган жами 435 млн. сўмлик но-реал дебитор қарздорлиқни аҳоли ҳисобига ўтказиб, ҳисоботларни сох-талаштирганлар.

Пешку электр тармоқлари корхона-си бу соҳада ҳаммабдорлардан қолиш-майди. Бу корхонада ҳисоботлар бўйи-ча аҳолининг қарздорлиғи 647,4 млн. сўмни ташкил этса-да, қарздорлик сунъий равишда 212,2 млн. сўмга оширилиб, ҳисобот тузилган.

Бундай ҳолатлар Вобкент, Қарши, Шаҳрисабз, Ғузор, Чироқчи, Яқабог, Касби ва Бектемир электр тармоқла-ри корхоналари фаолиятида ҳам аниқланиб, айбдорларга нисбатан жа-зонинг муқаррарлиги таъминланган.

Ачинарлиси, истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари бузилаётган яна бир муҳим тармоқлардан бири бозорлар ва бо-шқа савдо объектилари бўлиб қолмоқ-да.

Хусусан, назоратнинг усайтириб юборилгани оқибатида бозорлар ҳудудидида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтмаган ҳолда тadbиркор-лик фаолияти билан шуғулланиш, тас-диқловчи ҳужжатлари мавжуд бўлма-ган маҳсулотларни сотиш ҳолатлари учраб турибди. Айрим бозорларда тadbиркорлар ва истеъмолчиларга зарур шароитлар яратиб бериш, са-нитария-гигиена қоидаларига риоя қилиш ишларига панжа орасидан қаралиб, бозор маъмурияти, ветери-нария, санитария ва эпидемиология назорат марказлари ходимлари бун-дай ҳолатларнинг ўз вақтида олдини олиш чораларини кўрмаганлар.

Умуман олганда, прокуратура органлари томонидан мазкур соҳада 69 та текшириш ўтказилиб, аниқлан-ган қонунбузилишлар 120 та тақдир-нома орқали бартараф этилди. 597 нафар мансабдор шахс расман огоҳ-лантирилиб, 144 нафари интизомий, 306 нафари маъмурий, 30 нафари эса моддий жавобгарликка тортилди. Фу-қаролик судларига 3,6 млн. сўмни ун-дириш юзасидан 6 та ва ҳўжалик су-дига 1 та ариза киритилиб, 9 нафар шахснинг бузилган ҳуқуқлари тиклан-ди. Шунингдек, жиддий қонунбузи-лиш ҳолатлари юзасидан 40 та жино-ят ишлари қўзғатилди.

Асосий қонунимизда мулкдорлик ва меҳнат қилиш эркинлиги кафолатланган бўлиб, мамлакатимизда барча ҳўжалик субъектларининг 90 фоиздан ортигини кичик бизнес корхоналари ташкил этаётгани ҳам ушбу конституциявий тамой-инининг амалдаги ифодаси ҳисобланади.

Тadbиркорлар манфаати қонун ҳимоясида

Абдунаим ТОЙИРОВ,
Шаҳрихон туман прокурори

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз-да хусусий мулк устуворлиги-ни мустаҳкамлайдиган барқа-рор қонунчилик базасининг яратилга-ни бундай юксак самараларнинг му-ҳим омил бўлмоқда. Бизнес субъек-тларининг фаолиятига ноқонуний ара-лашувларга барҳам бериш, текшириш-ларни кескин қамайтириш, тadbиркор-лар ҳуқуқлари устуворлигини назар-да тутадиган қонунларнинг қабул қили-ниши уларнинг эркинлигини таъмин-лаш имконини бераётир.

Шаҳрихон туманида жами 2749 та ҳўжалик юритувчи субъектлар мавжуд бўлиб, шулардан 2657 таси тadbир-корлик фаолияти билан шуғулланиб келади. Уларнинг 348 тасини фермер ҳўжаликлари, 1112 тасини эса кичик бизнес субъектлари ташкил этади.

Туман прокуратураси томонидан "Тadbиркорлик фаолияти эркинлиги-нинг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзе-бекистон Республикасининг Қонуни ва Республика Президентининг тadbиркор-лик субъектларини қўллаб-қувватлаш, текширишларни янада қисқартириш, улар тақдир этадиган ҳисобот тизими-ни тақомиллаштириш чора-тadbирлари тўғрисидаги Фармон ва қарорлар иж-роси ўрганилиб, аниқланган қонунбу-зилиш ҳолатлари юзасидан тегишли чора-тadbирлар қўрилмоқда.

Жумладан, туман давлат солиқ ин-спекциясида текшириш ҳужжатлари-нинг расмийлаштирилиши, маъмурий ҳўқуқбузарлик тўғрисидаги баённомалар-ларнинг тузилиши ҳамда маъмурий ишларнинг қўриб чиқилиши ўрганил-ганда, қўйидаги қонунбузилишларга йўл қўйилганлиги маълум бўлди.

Масалан, туман ДСИ ходими У.Жу-мабоев томонидан фуқаро Г.Абдулха-евнинг ҳеч қандай ҳўжатсиз тамаки маҳсулотлари сотаётганлиги текши-рилиб, рўйхатқа олинган бўлса-да, те-кшириш материали 28 кунда, яъни, суд-га кечиктирилди топширилган. Бу билан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 282-моддаси талабларига риоя этил-маган. Ўрганиш давомида шунингдек, туман ДСИ томонидан тумандаги якка тартибда тadbиркорлик рўйхатидан ўтиб, фаолият юритиб келаётган тadbир-корлардан ортиқча солиқ тўловла-ри ундирилганлиги ҳолатлари ҳам аниқланди.

Жумладан, хусусий тadbиркор Хаби-буллаев Дилшод томонидан даромад солиғи учун 2011 йил январь ойида 188 минг 760 сўм пул тўланиши лозим бўлса-да, январь ойида ундан 300 минг сўм, яъни 111 минг 240 сўм ортиқча тўлов ундирилган. Ортиқча олинган солиқ тўлови эса кейинчалик тadbир-корнинг солиқдан бўлган қарзи ҳисо-бига ўтказилган.

Шу каби ҳолатларни тумандаги ҳу-сусий тadbиркорлар "Х.Т Аминов Фаз-лиддин", "Х.Т Эрматов Зоҳид" ва "Х.Т Юсупов Шукрулло"лардан жами 822 минг сўмлик ортиқча ундирилган солиқ тўловлари мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Бундан ташқари, туман ДСИ томо-нидан тумандаги "Акмал ХКК" хусусий кичик корхонасида ўтказилган текши-ришда солиқ ҳисоботи нотўғри юри-тилгани натижасида жами 4284,2 минг сўм солиқ тўлови кам ҳисоблангани аниқланган. Бироқ, корхонанинг тек-шириш кўнига қадар солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан 922 минг 900 сўм ортиқча тўловлари мавжуд бўлса-да, корхонага нисбатан 966 минг 500

сўм устама ҳисоблаш ҳақида қарор қабул қилинган.

Ваҳоланки, Ўзбекистон Республика-си Солиқ кодексининг 120-моддаси 2-бандида: "Юридик шахслар ва якка тартибдаги тadbиркорларга - солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарз суммасидан оғиб кетиши мумкин эмас", деб кўрсатилган.

Ўтказилган текшириш натижасига кўра, қонунбузилиш, унинг келиб чи-қиш сабаблари ва бунга имконият яра-тиб берган шарт-шароитларни бартар-аф этиш ҳамда ўз вазибаларига масъулиятсизлик билан қараган масъ-ул ходимларни интизомий жавобгар-ликка тортиш тўғрисида туман ДСИ бошлиғи номига тақдирнома киритил-ди. ДСИнинг "Акмал ХКК"га нисбатан устама ҳисоблаш ҳақидаги қарорини бекор қилиб, қонун ҳўжжати талабига мувофиқлаштириш ҳақида протест кел-тирилди.

Шунингдек, туманда инвестиция му-хитини янада ҳўшилаш, хорижий ин-весторларга қўлайликлар яратиш ва уларнинг ҳўқуқий ҳимоясини қўлайти-ришга қаратилган Ўзбекистон Респу-бликаси Президентининг 2012 йил 10 апрелдаги "Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағ-батлантиришга оид қўшимча чора-тadbирлар тўғрисида"ги Фармонида асо-сан, маҳаллий давлат ҳокимияти орган-лари, ҳўқуқни муҳофаза қилувчи идо-ралар, тижорат банклари томонидан хорижий инвесторлар ҳамда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхо-наларнинг фаолияти билан боғлиқ қўшимча талаблар ва чекловларнинг ўрнатилиши, уларнинг фаолиятига но-қонуний аралашши каби ҳолатларнинг олдини олиш юзасидан тегишли чора-тadbирлар белгиланган. Туман проку-ратурасида хорижий инвестициялар иштирокида ташкил этилган экспорт-боп маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва уни экспорт қилувчи корхоналар тўғриси-да маълумотлар базаси яратилиб, тах-лил этиш бориламоқда.

Бу борадаги назоратни ташкил этишда авваламбор, хорижий инвес-торлар ва экспорт қилувчи корхоналар-нинг қонуний манфаатларини самара-ли ҳимоя қилиш, уларнинг фаолияти-га ноқонуний аралашши, бюрократик тўсиқлар яратиш, тadbиркорлик эркин-лигини чеклаш каби хатти-ҳаракатлар-га қарши курашишга алоҳида эътибор қаратилган.

Туманда экспортбоп маҳсулотлар иш-лаб чиқаришни рағбатлантириш ва экс-порт қилувчи маҳаллий корхоналарни қўллаб-қувватлаш ҳамда хорижий инвес-торлар ва таъши иктисодий фаолият субъектларининг ҳўқуқ ва манфаатла-рини ҳимоя қилиш, кенг қўламдаги им-тиёзлар ва кафолатлар тизими ҳамда қўлай инвестициявий муҳит яратилган.

Бундан ташқари, тadbиркорлар би-лан ўтказилган учрашувларда хорижий инвесторлар ва экспорт қилувчи кор-хоналар вакиллари иштироки таъмин-ланиб, улар томонидан кўтариладиган масала ва муаммоларни қўнунда бел-гиланган тартибда ваколатли органлар билан ҳамкорликда ҳал этиш ва амал-ий ёрдам кўрсатиш чоралари қўри-ляпти.



/Давом.
Бошланиши 3-бетда/

Суд-ҳуқуқ ислохотлари шароитида "Прокуратура тўғрисида"ги Қонуннинг янги тахрирда қабул қилиниши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Прокуратура органларининг ҳуқуқий мақомини такомиллаштириш, мақсад ва вазифаларини қайтадан қўриб чиқиш ва албатта, ҳуқуқий ҳимоялаш функцияларини кучайтиришни вақтининг ўзи тақозо этди. Энг муҳими, Конституциянинг 118-моддасида мустақамлаб қўйилган "Ўзбекистон ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади", деган асолат аниги Қонунда янада ривожлантирилди ва мазмунан бойитилди.

Демократик ва инсонпарварлик тамойилларга мос равишда қонунга киритилган янги моддалар прокуратуранинг ҳуқуқий мақомини такомиллаштиришга олиб келди. Эндilikда прокуратуранинг жиноий жавобгарликни таъкид этувчи функциялари ўзгариб, асосан, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя этувчи органга айланди. Қонунга биноан, прокуратура органларининг ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш ҳамда профилактика қилиш борасидаги фаолиятига эътибор қўйилди.

Шунингдек, прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишлари қаторига солиқ интизомини мустақамлаш, солиқ соҳасидаги жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларга қарши кураш, шунингдек, давлатга етказилган иқтисодий зарарлар ўрнини қоплашга қаратилган қонунларнинг бажарилиши устидан назорат қилиш вазифаси киритилди.

Қонунда прокуратура органлари ҳодимларининг масъулияти ва жавобгарлигини оширишга қаратилган қатор янги нормалар ҳам ўз ифодасини топган. Бугунги кунда прокурорлар фаолиятини баҳолашнинг асосий меzonлари қонунийликнинг ҳолати, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг таъминланиши ҳисобланади.

Шулар қаторида Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси органлари ҳам Конституциянинг "Прокуратура" тўғрисидаги 24-бобиди белгиланган вазифалардан

келиб чиқиб, Республика Қуролли Кучларининг жангвор шайлигини ошириш ва уларда қонунийликни таъминлаш, ҳарбий хизматчиларнинг ҳаёти ва соғлиги ҳамда уларни ижтимоий ҳимоялашга қаратилган қонунлар, Президент Фармонлари ва бошқа ҳужжатларнинг тегишли вазирликларда, қўмита ва қўшинларда, шунингдек, барча ҳарбий қисм ва муассасаларда тўлиқ ижро этилишини назорат қилиш билан боғлиқ фаолиятни амалга ошириб келмоқда.

Мустақиллигимизнинг ўтган даврида Республика Ҳарбий прокуратураси органлари томонидан амалга оширилган амалий ишлар натижасида кейинги йилларда Қуролли Кучларда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг кескин камийишига эришиш билан бир қаторда ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқий маданияти даражасини янада юксалтириш, Қуролли Кучларда қонун устуворлигини таъминлашга эришилмоқда.

Республика Ҳарбий прокуратураси органлари Қуролли Кучларда қонунийликни таъминлаш билан бир қаторда фуқаролар Конституциямизнинг 52-моддасида "Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш — Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар", деб белгилаб қўйилган бурчларини бажаришлари, улар томонидан республикамиз мустақиллигини ҳимоя қилиш, халқимиз оқолиштиликни таъминлаш бўйича ҳарбий хизмат ўташ даврида Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент Фармонлари ва қарорлари, ҳукумат ва вазирликлар томонидан қабул қилинган ҳарбий хизматчиларнинг ҳаёти ва соғлиги ҳамда уларни ижтимоий ҳимоялашга қаратилган ҳуқуқий норматив ҳужжатларни улар эътиборига етказиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 25 июнь кундаги "Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишчи яхшилаш ҳақида"ги ПФ-1791-сонли Фармони асосида ишни ташкил этиб келмоқдалар.

Иккинчи йўналишга сиёсий соҳага доир, яъни ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларини эркинлаштириш ва демок-

Ҳуқуқий давлат пойдевори

ратлаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунларни қиритиш мумкин. Бунга фуқаролик, сайловлар, референдум, қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси, сиёсий партиялар, виждон эркилиги ва диний ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, нодавлат-нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонунлар, Бу каби қонунлар мансубдир.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да қайд этилганидек, истиқлолнинг 20 йиллик даврида фуқароларнинг суд орали ҳимоялаши кафолатлари жиддий тарзда кучайтирилди, ушбу кафолатдан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтиришни таъминлаш бўйича қатта қўламдаги чора-тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, 1995 йил 30 августда "Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди. Давлат органлари ва бошқа органлар, шунингдек, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоят ва аризалар бўйича иш юритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 3-кичи бўлими (26-29 боблар)да назар тутилди.

Учинчи йўналиш — иқтисодий ислохотларни ҳуқуқий асослашга қаратилган бўлиб, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, ижара, гаров, давлат божи, ер солиғи, монополистик фаолиятни чеклаш, биржалар, аудиторлик фаолияти, банкротлик, банклар, акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, деҳқон ва фермер ҳўжаликлари, ер ости бойликлари тўғрисидаги қонунлардан иборат.

Мамлакатимизда бозор ислохотларини чуқурлаштириш, иқтисодиётни эркинлаштириш, тадбиркорлик фаолияти кафолатларини таъминлаш, кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, бозор инфратузилмасини шакллантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишда Президентимизнинг 2005 йилдаги қатор Фармон ва қарорлари айниқса муҳим аҳамият касб этмоқда. Уларда жамиятни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишларни жадаллаштириш, тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, микрофирма ҳамда кичик корхоналарни ривожлантириш рағбатлантириш борасидаги

қўшимча чора-тадбирлар белгилаб берилди.

Тўртинчи йўналиш — маънавий-маърифий ва маданий соҳаларга тааллуқли қонунлар мажмуи. Соғлиқни сақлаш, энергиядан оқилона фойдаланиш, архитектура ва шаҳар-созлик тўғрисидаги қонунлар, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва ҳоказолар.

Бешинчи йўналиш — ташқи сиёсат ва ташқи иқтисодий фаолиятга доир қонунлар. Бу гуруҳга ташқи сиёсий фаолиятнинг асосий принциплари, дипломатия даража ва мартабаларини белгилаш, ташқи иқтисодий фаолият, халқаро шартномалар, етакчи халқаро ташкилотларга аъзолик, чет эл инвестициялари ва чет эллик инвесторлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисидаги қонунлар кирди.

Конституциямиз, қонунларимиз ва халқаро меъёр ҳамда қондаларга тўлиқ амал қилган ҳолда олиб борилаётган ислохотлар мамлакатимизда ҳуқуқий-демократик давлат, фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида дадил қадамлар билан илгарилар бораётганимизнинг ёрқин далилидир. Бироқ ҳали олдинда қилиниши зарур бўлган вазифалар кўп. Жамиятни демократлаштириш, мамлакатни модернизациялаш даврида қонунчилик ва қонунийлик масалаларига жиддий эътибор бериш талаб этилади.

Ўзбекистон бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтар экан, унинг давлат қурилиши ва иқтисодиётни ислоҳ қилиш дастурининг муҳим омилларидан бири қонунларнинг устуворлигини таъминлаш, қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни мустақамлашдан иборатдир. Ўзбекистон Конституциясининг 15-моддасида белгиланганидек, мамлакатимизда Конституция ва қонунларнинг устуворлиги сўзсиз тан олинади. Давлат, унинг органлари, мансабдорлар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар конституция ва унинг асосида яратилган қонунларга мувофиқ иш кўрадилар. Инсоннинг ҳаёти ва эркинликлари энг олий қадрият ҳисобланади, шу боис мамлакат Конституциясида инсонпарварлик тамойили асосида инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш биринчи ўринга қўйилган. Бу жамият ва давлат ҳаётини демократик жиҳатдан янада янгиллаш, мамлакатни модернизация қилишда инobatга олиниши зарур. Бунга суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштиришга қаратилган ислохотлар, хусусан, Президентимизнинг жазо тури сифатида ўлим жазосини бекор қилиш ҳамда уни умрбод ёки узок муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси билан алмаштириш ҳақидаги фармони ақвол мисол бўлади. Шунингдек, сўнгги йилларда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фа-

олиятида ҳам қонунийликни таъминлаш, инсон ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишнинг энг муҳим кафолати сифатида суд ҳокимиятининг нуфузини ошириш, судларнинг демократик ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамиятини барпо этишдаги ролини кучайтириш борасида муҳим ишлар қилинди. Бу борада Президент Ислам Каримовнинг 2005 йил 8 августдаги Фармони эсга олиш кифоя.

Мамлакатимизда тадбиркорларнинг ҳуқуқлари поймол қилинишига йўл қўймаслик, улар учун имтиёз ва кафолатлар тизимини яратиш борасида ҳам кенг камровли ишлар қилинмоқда. Тадбиркорлик субъектларининг молиявий-ҳўжалик фаолиятини текшириш тизими такомиллаштирилди. Уларга нисбатан қўлла-надиган ҳуқуқий таъсир чораларининг аниқ рўйхати белгиланди. Тадбиркорлар тақдим этилган ҳисоботлар сони кескин қисқартирилди. Ҳисоботларни ноқонуний равишда талаб этганлик учун мансабдорларнинг жавобгарлиги кучайтирилди. Тадбиркорлик субъектларини текшириш қисқартирилди.

Конституциямизнинг яна бир муҳим жиҳати шунда намоён бўладики, унда мустақил давлатимизнинг халқаро муносабатлардаги иштироки ва ташқи сиёсатнинг асосий қондалари аниқ ифодаланган. Хусусан, Асосий Қонунга қўра, Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъекти бўлиб, унинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик ва халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган бошқа қоида ва нормаларига асосланади. Шунини алоҳида қайд этиш керакки, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ўзида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги, Ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактлар ҳамда бошқа умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг қоидаларини мужассамлаштирган ҳамда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро стандартларга тўла мос келади.

Жамиятда ҳар бир фуқаронинг Конституция ва қонунларга амал қилиши зарурлигини ҳис қилиб яшашига эришиш даркор. Шундагина инсонларнинг қонунларга риоя қилишлари, уларни тушунишлари ва ҳурмат қилишлари қурилаётган ҳуқуқий-демократик давлатнинг асосий меzonи ва инсонларнинг ҳаёт тарзига айланади.

Моҳиятан бир-бирига ўхшамайдиган масалаларнинг шундай туташ томонлари бўладики, бунинг аниқлашмаслик оқибатида кўп нарсани бой бериш мумкин. Айтилик, кўчат эккан боғбон уни парваришламаса, ҳосил ололмайдми. Бунинг учун экиган ниҳолни вақтида сугориш, ўғитлаш, тагини юмшатиш ва ҳар йили кузда ёки эрта баҳорда унга шакл бериш зарур. Мухтарсар қилиб айтганда, "Кўчат экилади — иш битди", деб ўтирмасдан, бошланган ишни охиригача етказиш керак.

Бошланган иш охирига етказилмайдими?!

Одил АМИРҚУЛОВ,
Қашқадарё вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси

Қонунлар ижросини назорат қилишда ҳам ана шундай давомийлик ва мунтазамлик талаб этилади. Ва ишдаги бундай тартиб ҳамиша яхши натижаларни кўлга келтиришимизга сабаб бўлади. Бироқ, айрим ҳолларда қонун ҳужжатларида белгиланган талабларнинг ижро этилишида камчиликлар борлиги ҳам кўзга ташланмоқда. Аниқланишича, 2011 йилда алкоғолли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш қоидаларига амал қилмаслик натижасида 18 ҳолатда 201,4 млн. сўмлик ва 2012 йилнинг ўтган 6 ойи мобайнида эса 16 ҳолатда 204,9 млн. сўмлик маҳсулотларнинг ноқонуний савдоси билан боғлиқ ишлар вилоят ҳўжалик судида қўрилган ва айбдор ҳўжалик юридувчи субъектларга тегишли миқдорда жарима қўлланилган.

Бироқ, жарима солиш ва уни ўндириб олиш билан қўзланган натижага эришиб бўлмайди. Қонунбузилиши ҳолатлари бу билан барҳам топмайди. Шу боисдан ҳам, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 16 мартдаги "Алкоғолли маҳсулотлар билан чакана савдо қилишни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорининг 3-бандида алкоғолли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш қоидалари бузилганлиги учун юридик шахсларни бундай савдо қилиш ҳўқуқидан маҳрум этган ҳолда, уларга энг кам ойлик иш ҳақининг 200 бараваридан 300 бараваригача миқдорда жарима солиниши ҳамда айбдорлар қонун ҳўжатларида белгиланган жавобгарликка тортилиши белгиланган бўлиши.

Мазкур ҳўжатда жазо чоралари очик-ойдин белгиланганига, ҳусусан, "алкоғолли маҳсулотлар билан савдо қилиш" ҳўқуқидан маҳрум этиш жазоси белгиланганига қарамай, солиқ идоралари томонидан ушбу қарор талабларига тўлиқ амал қилинмаган. Ёъни, улар ҳўжалик юридувчи субъектларга жарима қўллаш масаласини ҳақ қилиш учун вилоят ҳўжалик судига ариза қилиш билан чегараланиб, "судга ариза қиритдик, иш битди", деган фикр билан чакана савдо қоидаларини бузган юридик шахсларга алкоғолли маҳсулотлар билан савдо қилиш ҳўқуқидан маҳрум этиш чораларини қўришмаган.

Алкоғолли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш қоидалари бузилганлиги учун юридик шахсларга нисбатан қўлланилаётган жазо чораларининг қай даражада қонунийлиги вилоят прокуратураси томонидан текшириб қўрилганда, ана шу каби камчиликларнинг борлиги аниқланди ва ўз вақтида зарур чоралар белгиланди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, қонунларимиз, шунингдек, Фармонлар, қарорлар ва қонунийликка дахлдор бошқа ҳўжатларимиз ҳар жиҳатдан аниқ ва эътирозга ўрин қолдирмайдиган даражада пишиқ ва пухта ишланган бўлиб, ҳалқимиз манфаатини ҳимоя қилади ҳамда уларнинг фаровон ҳаёт кечиршини таъминлайди.

Ишбилармонлар саффи яна кенгаяди

Таъкидлаш жоизки, ҳўкуматимиз томонидан 2011-2015 йилларда Ўзбекистонда иқтисодий ислохотлар қўламини кенгайтириш ва чўқурлаштириш бўйича тасдиқланган чора-тадбирлар Дастури ўз самарасини бермоқда. Жорий йилнинг ўзида тадбиркорликка янада кенгрок эркинлик бериш, ҳўсусий энг зўл устуворлигини таъминлаш ва унинг ҳўқуқий муҳофазасини кўчатириш, корхоналарнинг молия-ҳўжалик фаолиятига давлат ва назорат қилувчи органлар аралашувини камайитиришга оид аниқ чора-тадбирлар натижасида тадбиркорлик субъектларининг давлат, ҳўқуқий муҳофаза этувчи ва назорат қилувчи органлар билан ўзаро ҳамкорлиги вужудга келди. Шунингдек, тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш, уларни муҳандислик-коммуникация тармоқларига улаш, экспорт товарларини божхонада расмийлаштириш тартиб-қоидалари сезиларли даражада соддалаштирилди ва арзонлаштирилди. Кичик бизнес субъектларида улар рўйхатга олинган пайдан бошлаб ўч йил мобай-

нида солиқча оид режали текширишлар ўтказилишини тақиқловчи тартиб жорий этилди. Республика ва минтақалар бўйича иқтисодиётни либераллаштириш ва модернизация қилиш қўламлирини, мамлакатда ишбилармонлик муҳитини шакллантириш даражасини ҳар чоракда баҳолаш кўрсаткичлари тизими жорий этилди. Натижада, 2000 йил билан тақослаганда, кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги ўлуши 31 фоиздан 54 фоизгача кўпайди. Ушбу соҳада меҳнат билан банд бўлганлар сони шу давр ичида 2 баравардан ошди.

Афсуски, ишбилармонлик муҳитининг ҳозирги ҳолатига баҳо берадиган бўлсак, бизнесни юриштиш шарт-шароитлари эркин бозор иқтисодиёти талаблари ва тамойилларига, қабул қилинган ҳалқаро меъёр ва стандартларга тўлиқ даражада мос келаётгани йўқ. Шунингдек, жойларда тадбиркорлик фаолиятини орткича регламентлар билан кечлаб қўйиш ҳоллари бартафат этилмаган. Бюрократик тўсиқ ва говларга ҳам барҳам берилганича йўқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 19 июлдаги "Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бу борадаги мавжуд муаммоларга барҳам беришга қаратилган. Бундан қўзланган мақсад, ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун энг қўлай шарт-шароитларини яратиш, корхоналарнинг фаолияти билан боғлиқ тартиб-тамоийилларнинг барча турларини қисқартитиш, соддалаштириш ва ошкораликка эришиш, бизнесни юриштиш шарт-шароитларини баҳолаш мезонларининг ҳажон амалиётида қабул қилинган тизимини жорий этиш ва шу асосда мамлакатимизнинг ишбилармонлик ва инвестиция муҳити даражасини оширишдир.

Фармоннинг 5-бандига кўра, 2013 йилнинг 1 январидан бошлаб тадбиркорлик субъектлари тегишли давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларида қўйидаги тартиб-тамоийилларни ўз ҳўхоишларига кўра электрон шаклда амалга



Муқаддас бурч

Юрт тинчлиги — улўғ неъмат. Юртнинг тинчлигини таъминлаш, унинг муҳофазасини ўзи учун бурч, деб билиш ҳар доим мардлар иши саналган. Ҳалқимиз тинчликни юксак қадрлайди, уни ўзаро интиишлари, эзгу ниятлари рўёбга чиқишининг муҳим қафолати, деб билади. Тинчлик ва барқарорлик бўлган макондагина илм-фан, маданият юксак тараққий этиши, бунёдкорлик ишлари ривож топиши мумкин. Бу олижаноб мақсад, энг аввало Ватан ҳўмоиячилари — ҳарбийларимизнинг зиммасига катта масъулият юкайди.

Мустақиллик йилларида ҳаётга татбиқ этилган кенг қўламли ислохотлар тўғрйли мамлакатимизнинг ҳавфсизлиги ва барқарорлигини ишончли ҳўмоия қилишга, аҳолиимизнинг тинч ва осуда ҳаётига қарши қаратилган ҳар қандай таҳовуз ҳамда гаразли ўринишларнинг олдини олишга қодир бўлган илҳам, тезкор, замонавий қўрол-ярғо ва ҳарбий техника билан таъминланган, юксак тайёргарликка эга миллий армиямиз шакллантирилди. Қўролли Кўчларимизни ташкил этиш ҳамда бошқаришнинг мутлақо янги тизими яратилди. Ҳарбий округлар, чегара ҳўдаудларининг тузилиши, ҳарбий операциялар олиб бориладиган энг муҳим йўналишларда жанговар қўшин гуруҳларининг ташкил этилиши ҳамда ўз тарихида энг муҳим ҳарбий тузилмаларни бирлаштирган Қўролли Кўчлар Бирлашган штабининг шакллантирилиши мамлакатимизда ягона мақсад ва вазифалар негизда узвий боғланган ишончли муҳофаа тизимини яратиш имконини берди.

Қўролли Кўчларимиз сафини тўлдиритиш тартиби изчил ва босқичма-босқич тақомиллаштирилиб, миллий армиямизнинг салохияти ва кўч-қўдратини янада юксалтириш борасида муҳим аҳамият касб этадиган вазифалар белгиланган олинди. Ҳарбий хизматчилар-

нинг маънавий-руҳий, сиёсий тайёргарлигини янада тақомиллаштириш, барча бўғиндаги командирлар фаолиятида офицерлар, сержантлар ва аскарларда юксак маънавий ва ахлоқий фазилатларни тарбиялаш, фаол ҳаётий позиция ҳамда ватанпарварлик, мамлакат тақдири учун масъулият ҳисси билан яшаш, юртимиз мустақиллиги ва ҳавфсизлигини мустаҳкамлаш тўғрисида янада кўчатиришга эътибор қаратилди.

Буларнинг барчаси Қўролли Кўчларимизнинг жанговар кўч ва имкониятларини сезиларли даражада ошириб, бутун армиямизнинг қиёфасини тубдан ўзгартирди. Жамиятимизда армияга ва ҳарбий хизматга нисбатан ёндашув ва қарашлар бутунлай ўзгарди. Энг муҳими, аҳолиимиз, биринчи навбатда ёшларимиз ўртасида ҳарбий хизматнинг обрў-эътибори юксак даражага кўтарилди. Эндilikда Қўролли Кўчлар сафига хизмат қилиш Ўзбекистон фўқароси учун наинки конституциявий бурч, айни чоғда мамлакатимиздаги энг нуфузли касблардан бирига айланди.

Бугун Қўролли Кўчларимиз сафларида Ватанга садоқатли, жисмоний ва маънавий жиҳатдан етук, керак бўлган пайтда ўзининг ҳаётини ҳам бағишлаб Ватан ҳўмоияси йўлидаги шафрфли бурчини адо этаётган

Бобир РАҲАБОВ,
Навоий ҳарбий прокуратураси
терговчиси

мард ўғлонлар, жасоратли қизлар хизмат қилмоқда.

Амалга оширилаётган ислохотларнинг барчаси ҳўқуқий муҳофаза қилувчи органлар, шу жумладан, Ҳарбий прокуратура органлари ҳодимлари зиммасига ҳам қатор вазифаларни юкайди.

Республика ҳарбий прокуратураси органлари томонидан амалга оширилган амалий ишлар натижасида, кейинги йилларда Қўролли Кўчларда ҳарбий интизомнинг мустаҳкамла-нишига эришиш билан бир қаторда ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг ҳўқуқий маданияти даражасини янада юксалтириш ҳамда уларнинг ҳўқуқий тарбияси юзасидан қатор ишлар амалга оширилиб, Қўролли Кўчларда қонун устуворлигини таъминлашга эришилмоқда.


2012 йилнинг 8 августидан Қўнунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, 2012 йилнинг 30 августидан Сенат томонидан маъқулланган, 2012 йилнинг 11 сентябрда Президентимиз Ислам Каримов томонидан имзоланиб, қўлга кирган "Мардлик" орденини таъсис этиш тўғрисида"ги Қўнунни кенг жамоатчиликимиз мард инсонларни, мардликни қадрлаш йўлида мамлакатимизда яна бир муҳим кадам қўйилганлиги, қолаверса, Ватан ҳўмоиячиларга бўлган юксак эътибор намунаси сифатида қарши олишди. Бундай эзгу ишлар жамиятимизда юрт тинчлиги, Ватан равнақи, ҳалқ фаровонлиги йўлида фўқароларимизни янада фидоийлик кўрсатишга, юксак дахлдорлик ҳисси билан яшашга ўндаши шўбасиз.

Ҳудойберди ТУРСУНБЕКОВ,
Наманган вилояти прокуратураси
бўлим катта терговчиси

ошириш ҳўқуқига эга бўлдилар.

Банк ҳисоб варақларига масофадан туриб хизмат кўрсатиш тизими, шу жумладан, "Интернет-банкнинг" тизими орқали солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш - Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банки, тижорат банклари; юклари божхонада расмийлаштиришда тадбиркорлик субъектлари томонидан товарларнинг декларация қилиш - Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси; "бир ойна" тамойили бўйича юридик шахсларнинг кўчмас мулкка бўлган эгаллик ҳўқуқларини рўйхатга олиш - Ўзбекистон Республикаси "Ерғеодездекадастр" давлат қўмитаси; тадбиркорлик субъектларининг даъво аризалари ва илтимосномаларини ҳўжалик судларига бериш — Ўзбекистон Республикаси олий ҳўжалик суди амалий ёрдам кўрсатиши қатъий белгиланган бўлиди.

Маънавий дахлсизлик: унга тажовуз қилиш — жиноят



Халқимиз асрлар давомида ўзининг маънавий етуклиги билан бошқа халқлар орасида ҳурмат қозониб келган. Шарқона тарбиянинг асл гавҳарлари бўлмиш ор-номус, одоб-ахлоқ, ҳар бир ишга илм-маърифат билан ёндашув, эзгулик, инсонийлик каби юксак фазилатлар бундан минг йиллар аввал ҳам миллатимиз маънавий оламининг арконлари ҳисобланган. Чиндан ҳам ўзбек халқи бундай фазилат ва ҳислатлар соҳиби эканини бутун дунё эътироф этмоқда. Бу ҳақда Президентимиз Ислам Каримовнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида шундай ибратли сўзлар бор: "Эзгу фазилат ва интилошлар халқимизнинг қон-қони ва сўяк-сўягига сингиб кетган. Унинг табиатида хос бўлган юксак маънавият неча асрларки бизни не-не бало-қазолардан, тўфон ва бўронлардан соғ-омон асраб келмоқда. Ҳар қандай босқин ва истилоларга қарамасдан, ҳар қандай оғир ва мураккаб шароитда ҳам ота-боболаримиз ўзлигини йўқотмасдан, маънавий ҳаёт мезонлари, одоб-ахлоқ қондаларига амал қилиб, қомиллик сари интилиб яшагани бутун ҳам барча-мизга ибрат бўлиб, куч-қувват бағишлаб келмоқда".

Феруз ТОЖИБЕВ,

Навоий вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

Мустабид тузум даврида камситилган маънавий қадриятларимиз илк кўнлариданоқ тикланиб, яна ривож топа бошладди. Эзгулик ва инсонийлик тамойиллари билан йўғрилган Конституциямизда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, ҳақ-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият даражасига кўтарилди. Билим олиш, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи, илмий ва техникавий ижод эркинлиги, виждон эркинлиги қафолатланди. Ўзга кишиларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шаъни, қадр-қиммати ҳурмат қилиш, вояга етган, меҳнатта лаёқатли фарзандларнинг ота-оналарига гамхўрлик қилиши, ота-оналар эса фарзандларини вояга етгунга қадар тарбиялаши каби меъёрлар маънавий қадриятларимиз асоси сифатида конституциявий бурчимизга айланди.

XVIII аср фиҳр намояндаси Сўфи Оллоёв диний қарашлари ва бошқа тафовутларидан қатъи назар, барча инсонларни бир-бирларига нисбатан меҳрибон бўлишга чақириб:

"Кел, эй мўмин, ҳаммаша хуш инсон бўл,

Ки инсон бўлса ҳар ким, меҳрибон бўл" —

деганида, халқимиз маънавий қадриятларининг яна бир қўрниши — бағрикенглик, эркарварлик, инсонийлик хислатларини назарда тутган. Ана шундай умуминсоний қадриятларимиз мустақиллик шарофати билан тақомиллашди, фуқароларнинг қонун олидида тенглиги, шунингдек, мамлакатимиз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одат ва аъёналари ҳурмат қилиниши эътироф этилди. Буларнинг барчаси жамиятимиз аъзоларини қомиллик сари етакловчи кучдир.

Қомил шахс тарбияси мамлакатимизда олиб борилаётган маънавий ислохотларнинг бош мақсадиридир. Шу боис, фарзандларимизнинг баркамол руҳий тарбиясига ҳар томонлама юксак эътибор қаратилмоқда. Ҳозирда ватанимиз умиди ва ишончи бўлган азиз фарзандларимиз — юртимизнинг эртанги таянчи, ёрғун истиқболимиз эгаларидир. Юрт фарзандиман деган шарафли ном улар зиммасига улкан масъулият юклайди. Фарзандларимизнинг баркамол бўлиб ўлғайиши, аслида, маънавий тарбия мезонлари билан узвий боғлиқ. Бошқача айтганда, бу жараённинг тул илдиэлари маънавий қадриятларимизга бориб тақалади. Халқимизда "Бола азиз, одоби ундан азиз", деган мақол бор. Бу мақол инсон ҳаётида тарбиянинг аҳамияти нақадар муҳим эканини англатади. Буюк файласуф

олим Абу Наср Форобий ҳам ўз асарларида тарбия таълимдан устун турадиган ва таълимга нисбатан эрта бошланадиган жараён эканини бундан минг йиллар аввал илмий исботлаб берган.

Маърифатпарвар аллома Абдулла Авлоний: "Тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот, ё наҳот-ё ҳалокат, ё саодат-ё фалокат масаласидир", деганида бола тарбияси ҳамма вақт ҳам ота-боболаримизнинг диққат-эътиборида бўлиб келгани, бинобарин, ҳар бир ота-онанинг ўз фарзандини қомил қилиб тарбиялаши улғу фазилат, ўлмас қадриятимиз эканини назарда тутгани аниқ ҳақиқатдир. Президентимиз "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида таъкидлаганидек: "Инсоннинг энг соф ва покиза тўйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оила бағрида шаклланади. Боланинг характерини, табиати ва дунёқарашини белгилайдиган маънавий мезон ва қарашлар — аъшилик ва эзгулик, олижаноблик ва меҳр-оқибат, ор-номус ва андиша каби муқаддас тушунчаларнинг пойдевори оила шароитида қарор топиши табиийдир".

Мажбурий умумтаълим жараёнида бошқа халқлар тилларининг ўқитилиши ўқувчи ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ҳар томонлама ошириш билан бирга, Конституциямизнинг 4-моддасида белгиланган "Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир. Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва аъёналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратди", деган норма талабларига ҳам тўлиқ жавоб беради.

Ёш авлод қалбига ватанпарварлик руҳини синдириш маънавий тарбиянинг ўзагидир. Халқимиз минг йиллар давомида ўз тарбиявий тамойилларида Ватанини севиш, уни авайлаб-ардоқлаш, у билан гурурланиш хислатини улуғлашга эътибор қаратиб келган. Буюк маърифатпарвар Махмуджўжа Бахбудий: "Дунёда турмоқ учун дунёвий фан ва илм лозимдир, замона илми ва фанидан бебаҳар миллат бошқаларга поймол бўлур", деганида қанчалик ҳақ эканини бугунги ёш авлоднинг халқро майдонда эришаётган ютуқларидан қўриб турибмиз. Мамлакатимиз ёшлари Бош қомусимиз ва қонунларимизда белгилаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлардан, таълим-тарбия учун яратилган шарт-шароитлардан оқилона фойдаланиб, ҳаётини интеллектуал майдонда ўзларини намойиш этиб келаётгани барчамизни қувонтиради.

Афсуски, фарзандларимизнинг бундай ютуқлари баъзи қарашли қимсаларга ҳар доим ҳам ёқавармайди. Бундай қўчлар турли-туман йўллар билан ёшларимиз маънавиятини бузишга, уларнинг фикру ҳаёлини қалғитишга зўр бериб уринаётгани, бошқача айтганда, маънавий таҳдид қўролларидан фойдаланиб, фарзандларимиз онгини заҳарлашга ҳаракат қилаётгани ҳеч кимга сир эмас.

Давлатимиз раҳбари "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида ана шундай таҳдидлар ҳақида алоҳида тўхталиб, бу аввало, тили, дини, эътиқодидан қатъи назар, ҳар қайси одамнинг то маънаводига эркин инсон бўлиб яшашига қарши қаратилган қўрол эканлиги, унинг айнан одамзот руҳий дунёсини издан чиқариш мақсадини кўзда тутадиган мафкуравий, ғоявий ҳуружлардан иборат моҳияти ҳусусида оқилона фикрлар билинган.

Дарҳақиқат, ўйлаб қарасак, маънавий таҳдид манбалари ғайриинсоний мақсади билан маънавийтимизга ёт бўлиб, лоқайдлик, бепарволик бўлган жойда улар дунёни остин-устун қилиб юборишга қодир. Шу боис, ёш мустақил давлатларга демократияни экспорт қилиш вазасаси, ғарбийлаштириш — "вестернизация" йўлидаги уринишлар, диний экстремизм, фундаментализм, халқаро терроризм, ғиёвхандлик, одам савдоси, ахборот ҳужури каби ғайриинсоний таъсирлар бутун жаҳонни таъшишга солмоқда. Энг ёмони, бундай таҳдид ва тажовуз ортида турганлар ўз хатти-ҳаракатларини алдамчи ғоялар, дунёга демократияни ёйиш, халқларга "эркинлик" бериш, "инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш" каби тушунчаларни ўзларига ниқоб қилиб олган. Масалани ёмон томони, улар жаҳонда кечаётган глобаллашув жараёниро воситасида дунё халқларини орасидаги ўзаро дўстона қарашларни парчалаб, унинг ўрнига адоват ва душманлик уруғларини экишга уринишмоқда.

Мамлакатимиздаги бугунги ривожланиш ва тараққиёт сохта демократларнинг юртимизга қаратилган ғараз ниятларини рад этса-да, бироқ "оммавий маданият" ниқоби остида онгизмига тиқиштирилаётган ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғоялари, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик аъёнанича ба қадриятлари, турмуш тарзига бепарварлик, уларни қўролришга қаратилган хатарли вассалар бизни таъшишга солмай қўймайди. Айниқса, диннинг маъно-маъзунини ўзи тушуниб етмайдиган, аммо уни бузиб қўрсатишдан манфаатдор бўлган баъзи бир оқимларнинг фуқаро-

ларимизни бир диндан бошқасига оғдиришга, уларнинг соф эътиқодига дахл қилишга уринишлари бугун ҳар қандай кишини таъшишга солади. Улар соддадил кишиларни қармоққа илиштириб, аёллар, айниқса, дин нималигини ҳали яхши англаб етмаган ёшлар орқали ўз ғояларини кенг халқ оммасига ёйиш пайида бўлмоқдалар.

Бу дунёда ҳар бир халқнинг ўз турмуши, яшаш тарзи бор. Унинг маънавиятини сохталаштиришга, онгини бузишга уриниш — маънавий тажовуздан ўзга нарса эмас. Юртимизда асрлар давомида ривожланиб, сайқал топиб келаётган ислом дини таълимотида ҳам инсонларни ўзаро меҳр-оқибатга, яхшиликка тарғиб қилиш бирламчи фазилатлардан ҳисобланган. Биргина мисол. Диний ва дунёвий ҳуқуқ масалалари бўйича етук аллома Бурҳониддин Марғиновнинг ҳар доим инсонлар ўртасидаги тотувлик ва ҳамжихатликни юқори қўйган.

Унинг беназир "Ҳидоя" асарида одамлар ўртасидаги муносабатларга раҳна солиш, диний бетартибликни келтириб чиқариш энг оғир жиноят эканлиги айтилган. Тарихдан маълумки, маҳаллий халқ, асосан, ислом динига эътиқод қилса-да, аммо бошқа дин вакиллари, ўзга диний қараш ва маъбаблардаги халқлар билан дўстона муносабатда бўлиб келган. Бу аъёна истиқлол йилларида янада ривожланди. Мамлакатимизда турли дин вакиллари тенг ҳуқуқли, уларнинг қонуний фаолияти юртиши учун барча шарт-шароитлар яратилган. Конституциямизнинг 31-моддасида: "Ҳамма учун виждон эркинлиги қафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди", деган халқлик норма белгилаб қўйилган.

Шундай бир шароитда, минг афсуски, башариятнинг ахлоқий қарашларига зид бўлган диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапастлик ғоялари билан йўғрилган, инсон онгини заҳарлайдиган, меҳр-муруватни унуттишга олиб келадиган воситаларни тарқатишга зўр берилмоқда. Айниқса, бузғунчи қўчларнинг видео ва овоз ёзуви материаллар, ёзувчилик тарғиб қилувчи фильмлар, теледастурлар, порнографик мазмундаги босма нашрлар, рекламалар воситасида ёшлар орасида ҳаёсизлик, шафқатсизликни тарғиб қилишга уринаётгани таъшиш хатарли ҳолдир. Бундай ёвуз ҳаракатлар нафақат бизга, балки фарзандларимизга қаратилган маънавий таҳдид эканини бир зум ҳам унутмаслигимиз даркор.

Халқимизни, биринчи галда, ёшларни эркин инсон бўлиб

яшашига қарши қаратилган, руҳий дунёсини издан чиқариш мақсадини кўзлайдиган мафкуравий-ғоявий ҳуружлардан ҳимоя қилиш бугунги кўннинг долзарб вазифасидир. Шу сабабли халқимиз, айниқса, ёшларимизни маънавий таҳдидлардан сақлаш, уларни ана шундай ғараз ниятларга йўналтирилган ижтимоий ҳавфли хатти-ҳаракатлардан ҳимоя қилиш мақсадида Жиноят кодексига порнографик нарсаларни тайёрлаш ёки тарқатиш (130-модда), жамоат ҳавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш ёки тарқатиш (244-1-модда), диний экстремистик, сепаратистик, фундаменталистлик ёки бошқа тақиқланган ташиқлотлар тузиш, уларга раҳбарлик қилиш, уларда иштирок этиш (244-2-модда) ҳамда диний мазмундаги материалларни қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, олиб кириш ёки тарқатиш учун (244-3-модда) жиноий жавобгарликлар белгиланган.


Шунингдек, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 184-моддасида жамоат ҳавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш ёки тарқатиш мақсадида сақлаш, 184-2-моддасида диний мазмундаги материалларни қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, олиб кириш ёки тарқатиш, шунингдек, 184-3-моддасида миллий, ирқий, этник ёки диний адоватни тарғиб қилувчи материалларни тайёрлаш, сақлаш ёки тарқатиш учун жавобгарликлар белгиланган.

Демак, бу каби ноқонуний хатти-ҳаракатлар жавозис қолмайди. Чунки улар асрлар давомида авлоддан-авлодга ўтиб келаётган миллий қадриятларимизни йўқотишга, ёш авлод қалбига ёвузлик, ваҳшийлик каби салбий ҳиссиётларни уйғотишга қаратилган. Бундай иллатларга қарши курашишда эса Президентимизнинг: "Биз ҳам фарзандларимизни она Ватанга муҳаббат, бой тарихимизга, ота-боболаримизнинг муқаддас динига садоқат руҳида тарбиялаш учун, таъбир жоиз бўлса, аввало, уларнинг қалби ва онгида мафкуравий иммунитетни қучайтиришимиз зарур. Токи ёшларимиз миллий ўзлигини, шу билан бирга, дунёни чуқур англайдиган, замон билан баробар қадам ташлайдиган инсонлар бўлиб етишсин. Ана шунда хоҳил ақидапастларнинг "даъвати" ҳам, ахлоқ-одоб тушунчаларини рад этадиган, биз учун музолақо бегона ғоялар ҳам уларга ўз таъсирига ўтказолмайди", деган фикрларига амал қилиб иш тутмоғимиз даркор.

Зеро, барча тарбия воситаларини ёш авлод онгини ҳимоя қилишга, маънавий дахлсизлигини таъминлашга қаратиш, ёшларимизни миллий қадриятлар, дунёвий билимлар воситасида тарбиялаш, уларда ватанпарварлик, она юртимизга садоқат тўйғуларини мустақамлаш, ҳуқуқий саводхонлик ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш ҳар биримизнинг муқаддас вазифамиздир.

Тадбиркорлик ниқоби

ёхуд «Spectrum Furniture LLC» компанияси атрофидаги қинғирликлар



Мамакатимизда илчил иқтисодий ўсиш ва ижтимоий барқарорликни таъминлашда тадбиркорлик субъектлари тобора муҳим ўрин тутиб бормоқда. Шу боис, соҳага устувор вазифа сифатида эътибор қаратилиб, тадбиркорлик субъектларининг эркин фаолияти учун кенг имконият ва шарт-шароитлар яратиб берилган. Бироқ, ана шундай имкониятлардан самарали фойдаланиш ўрнига, уларни сунистемол қилаётган, шахсий манфаатларини барча нарсалар устун билиб, давлат ва жамият манфаатларига зарар етказётган "тадбиркорлар" ҳам, афсуски кам эмас. Тадбиркорликни ўзларига ниқоб қилиб олган бундай кимсалар, аслида тадбиркор номига номуносибларлар.

Албаҳодир Мусаевни ҳам кўпчилик ишининг кўзини биладиган, удабурон ва омадли бизнесмен сифатида билар эди. Бироқ, қинғир ишнинг қийғи чиқмасдан қолмайди, деганларидек, А.Мусаевнинг "тадбиркорлиги" қонун чигиригидан ўтказилганда, унинг асл қиёфаси фош бўлиб қолди.

Маълум бўлишича, Бирлашган Араб Амирликларининг Шаржа шаҳрида "Spectrum Furniture LLC" компаниясини ташкил қилган А.Мусаев ўз атрофида қариндошлари ва яқин танишларидан иборат жиноий гуруҳ ташкил этган ва ушбу гуруҳ аъзоларининг ҳар бирига вазифалар топириш йўли билан уларга раҳнамолик қилиб келган. У ўзининг жиноий шериклари билан биргаликда 2006-2011 йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт асосларига қарши жиноятлар, яъни республика-миз манфаатларига хилоф битимлар тузиш, валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ва ўтказиш, яшириш, сохта тадбиркорлик, бохона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлash каби жиноятларни содир этган. Шу билан бирга, савдо қоидаларини бузиш, мансаб ваколатларини сунистемол қилиш, мансаб сохтакорлиги, ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкаларни қонунга хилоф равишда эгаллаш, уларни қалбакилаштириш, тайёрлаш ва фойдаланиш, нобуд қилиш, жиноий даромадларни легаллаштириш каби жиноятларни содир этиб келган.

Савол туғилиш табиий: "тадбиркор" А.Мусаев ва унинг ҳамтовоклари - Жавлон Мусаев, Екатерина Руппель, Нодирбек Исмоилов, Умиджон Азимов, Саъдулла Юсупов, Тоҳир Мусаев, Шоҳалил Шоахмедов, Дилмурод Бадалов, Бахтиёр Бадалов, Алишер Тулаев, Абдусаттор Ҳақимов ва бошқаларнинг қоридида санаб ўтилган жиноятларни қай тарзда амалга оширишган?

Маълум бўлишича, ҳаммаси А.Мусаевнинг БААда "Spectrum Furniture LLC" компаниясини ташкил этиши билан, балки ундан ҳам олдинроқ бошланган экан. А.Мусаев аввал бошиданок жиноий мақсадларни кўзлаб иш тутгани шундан аён

бўладики, ўзи ташкил этган компанияга Югославия фуқароси Кемал Реджепаджини расман раҳбар этиб тайинлагани ҳолда, аслида уни ўзи бошқариб келган. А.Мусаев шериклари кўмағида республикамиз ҳудудида бир нечта ҳўжалик юритувчи субъектларни ташкил этган ва "Spectrum Furniture LLC" компанияси орқали мазкур ташкилотлар номига ёғоч маҳсулотларини қиммат нархларда импорт қилишни йўлга қўйган. Шу йўл билан ноқонуний бойлик тўплашга киришган А.Мусаев ва унинг ҳамтовоклари жиноий даромадларни легаллаштиришнинг ўзига хос йўлини топишган: улар бу пуллари инвестиция сифатида республика-мизга олиб киришган.

Жумладан, "Spectrum company" шўба корхонасида ва "Fayzli turmush" МЧЖда 2006-2010 йилларда директор вазифасида ишлаган ва бир вақтнинг ўзида ҳар иккала корхонанинг бош ҳисобсисни вазифасини бажариб келган Е.Руппель товарлар ҳисобини юриштиш, уларнинг бир қисmini корхона балансига кириш қилмасдан нақд пулга сотилишига шароит яратиш, даромадларни солиқдан яшириш каби "вазифа"ларнинг ҳам уддасидан чиққан. 2010 йилдан бошлаб эса бу вазифаларнинг бир қисми "Spectrum company"га А.Мусаев томонидан директор этиб тайинланган С.Юсупов зиммасига юкланган.

Корхона ҳўжалик ишлари мудири лавозимига тайинланган Ш.Шоахмедовга иккиламчи бухгалтерия асосида сотилган маҳсулотлар тушумини назорат қилиш ва уларни йиғиб бориш, тушган пуллари А.Мусаевга топириш ва унинг кўрсатмаси билан харажатга йўналтириш вазифаси юклатилган.

Бир вақтнинг ўзида ҳам "Spectrum company" ва "Fayzli turmush" МЧЖда омор мудири лавозимига ишлаган Н.Исмоиловнинг вазифаси корхоналар оморига келтирилган ёғоч маҳсулотлари ҳисобини иккиламчи бухгалтерия асосида юриштиш, миқдорларга сотилган маҳсулотни ортиб жўнатишдан иборат бўлган.

"Spectrum company"нинг сотув бўлими менежери Д.Бадалов эса маҳсулотларга миқоз топиш, улар билан музокара олиб бориш, харидорлардан олинган нақд пуллари Ш.Шо-

аҳмедов орқали А.Мусаевга етказиш, иккиламчи бухгалтерия ишини юриштиш каби вазифаларни бажариб келган. "Fayzli turmush" МЧЖ сотув бўлими менежери У.Азимовнинг вазифаси ҳам уникадан фарқ қилмаган.

А.Мусаев 2010 йилдан "Fayzli turmush" МЧЖга жияни Ж.Мусаевни раҳбар этиб тайинлайди ва унга корхонада олиб борилаётган хуфёна тижоратни амалга оширишга шароит яратиб бериш вазифасини топиради.

Корхона ҳўжалик ишлари мудири А.Ҳақимовнинг вазифаси жиноий шериклариникидан бироз бошқачарок бўлган: тадбиркорликдан анча йироқ бўлган, пулга муҳтож шахсларни топиб, уларни хусусий тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтказиш, ушбу сохта хусусий тадбиркорларга олдиндан ваъда қилинган "иш ҳақлари"ни бериб туриш, ҳўжатларни расмийлаштиришда уларнинг иштирокини таъминлаш унинг зиммасида бўлган. Шунингдек, савдодан тушган нақд пуллари "қора бозор"да АҚШ долларида айирбошлаш ҳам унинг вазифалари сирасига кирган.

Шунингдек, Т.Мусаев, Б.Бадалов, А.Тулашевлар ҳам жиноий гуруҳ фаолиятига ўзларининг "ҳиссалари"ни қўшиб келишган. Бир сўз билан айтганда, жиноий гуруҳнинг юқоридида санаб ўтилган аъзолари А.Мусаев раҳнамолигида гуруҳнинг умумий мақсадларини кўзлаб, ташкил этилган корхоналар негизиди олиб борилаётган расмий фаолият ниқобида хуфёна тижорат ишларини амалга ошириб келишган.

Газетчоларда савол туғилиши мумкин: сохта хусусий тадбиркорларни бу тариқа ёллашдан кўзланган мақсад нима бўлган?

Жумладан, А.Мусаев раҳбарлигидаги уюшган гуруҳ аъзолари фуқаро И.Холматов билан жиноий тил бириктириб, уни тадбиркор сифатида рўйхатдан ўттишга ва унинг номига Россия Федерациясидан ёғоч маҳсулотларини импорт қилиб сотишга қўндиришган. Иш ҳақи сифатида ҳар ойда 150 минг сўм олиб туриш эвазига И.Холматов бу тақлифга рози бўлган. Шундан сўнг, яъни 2006 йилда жиноий гуруҳ аъзолари И.Холматовни Тошкент вилояти Зангиота тумани ҳокимлигидан яқка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтказишди. Унинг муҳр ва штамми, тушуниб турганингиздай, жиноий гуруҳ аъзолари ихтиёрига ўтди. Улар эса ушбу муҳр ва штампдан фойдаланган ҳолда экспорт-импорт операцияларини амалга оширишни бошлаб юборишди.

2006-2007 йилларда бозорлардан нақд пулга сотиб олинган 1 млн. 005 минг 703 АҚШ долларлик қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини қукумат қоридида белгиланган имтиёзлардан ноқонуний фойдаланган ҳолда хусусий тадбиркор И.Холматов номидан чет элга

экспорт қилишган.

Амалга оширилган экспорт операцияларидан тушган валюта тушумини яшириб, Ўзбекистон Республикасининг ваколатли банклари ҳисобига ўтказишмаган. Ўз навбатида валюта тушумининг 50 фоизи давлатга мажбурий сотиш ҳам амалга оширилмаган. Улгуричи савдо билан ноқонуний шугулланилган ва савдо қоидаларининг жуда кўп миқдорда бузилишига қасддан йўл қўйилган.

Жиноий гуруҳ томонидан яқка тадбиркор И.Халматов номидан ноқонуний фаолият юриштирилиб, 2006-2011 йилларда 6 млрд. 126 млн. 109 минг сўмлик ёғоч маҳсулотлари республика-мизга "Spectrum Furniture LLC" компанияси орқали қиммат нархларда импорт қилинган. Ушбу товарларни Республика-мизга олиб кириш жараёнида ҳам улар жиноий йўлни танлаганлар. Яъни, импорт қилинган товарларни бохона расмийлаштирувини амалга ошириш жараёнида жиноий гуруҳ аъзолари гўёки банкда И.Халматов номига очилган валютаси ҳисоб рақамларидан тўлов амалга оширилган ҳақидаги ўзлари томонидан қалбакилаштирилган банк расмий ҳўжатларини тақдим этишган. Шу тариқа, уюшган гуруҳ аъзолари 4 млрд. 868 млн. 874,7 минг сўмлик ёғоч маҳсулотларини бохонадан олиб ўтишган.

2006-2011 йиллар давомида тадбиркор И.Халматов номига импорт қилинган ёғоч маҳсулотларини қурилиш моллари бозорларида 6 млрд. 126 млн. 109 минг сўм нақд пулга сотиб, сотувдан тушган пуллари банкка инкассация қилишмаган. Бундан ташқари, хусусий тадбиркор И.Халматов номидан фаолият юритган уюшган гуруҳ аъзолари, кўрсатилган давр мобайнида бюджетга тўлиниши лозим бўлган 239 млн. 629 минг сўмлик солиқларни тўлашдан бўйин товланган. Кейинчалик улар содир этган жиноий қилмишларини яшириш мақсадида яқка тартибдаги тадбиркор И.Халматовга тегишли молиявий-ҳўжалик фаолиятига оид бирламчи ҳўжатлар ҳамда ду-малок муҳр, штампларни қасддан нобуд қилишган.

А.Мусаев ва унинг жиноий шериклари худди шу усулда фуқаролар Б.Султанмуратов, Ш.Расулов ва З.Ҳодиевларни ҳам тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтказишиб, уларнинг фаолиятини норасмий юриштирилиб, 12,2 млн. АҚШ долларлик импорт қилинган ёғоч маҳсулотларини Ўзбекистонга бохона қоидаларини бузган ҳолда олиб киришган. 1 млрд. сўмлик солиқларни тўлашдан бўйин товланган, 4,3 млн. доллар миқдоридида чет эл валютасини яширишган. 2006-2011 йиллар давомида Республика-миз манфаатларига зид битимлар тузиш орқали давлат манфаатларига 693 млн. сўмлик зарар етказишган.

Шунингдек, А.Мусаев ва "Spectrum company" шўба корхонаси негизидида ташкил

Улғубек АНВАРОВ,
Тошкент шаҳар прокуратураси
АМИБ катта терговчиси

этилган ушбу уюшган гуруҳ аъзолари томонидан 2009-2011 йилларда 33,6 млрд. сўмлик ноқонуний савдо амалга оширилган. 1,3 млрд. сўмлик солиқларни тўлашдан қасддан бўйин товланган.

Ҳар қандай қинғирликни ҳам қойилмақом қилиб бажара оладиган А.Мусаевнинг олдида бир масала пайдо бўлади: жиноий йўллар билан топилган миллион-миллион пуллари қандай қилиб легаллаштириш мумкин?

"Уддабурон" бизнесмен А.Мусаев ва унинг садақатли ҳамтовоклари бунинг ҳам уддасидан чиқишади.

А.Мусаев раҳбарлиқ қилиб келган "Spectrum Furniture LLC" компанияси номидан Ўзбекистонда ташкил қилинган "Spectrum company" шўба корхонаси низоми жамғармасига 450 минг АҚШ доллари, "Fayzdekor" қўша корхонаси низоми жамғармасига 260 минг АҚШ доллари чет эл маблағларини киритади. Шунингдек, "Fayzli turmush" МЧЖга 63 млн сўм ва "VUD Tehno Plus" МЧЖ низоми жамғармасига ҳамда айланма маблағ сифатида 175 млн. сўм пул миллий валютадаги маблағларни киритиш йўли билан жиноий йўллар билан топилган даромадларнинг бир қисми легаллаштирилган.

Пойтахтимизда фаолият кўрсатиб келаётган "FAYZ" ҳолдинг компанияси таркибидида "FAYZDEKOR" қўша корхонасини ташкил этган А.Мусаев уни ҳам норасмий равишда бошқариб боради. Ушбу корхона негизидида ташкил қилинган уюшган гуруҳ томонидан 2009-2011 йилларда республика-миз манфаатларига хилоф битимлар тузиш орқали 370 млн. сўмлик зарар етказилади. 773,9 млн. сўмлик ноқонуний савдо амалга оширилган ҳолда, 100 млн. сўмлик солиқлар тўланмаган.

Жиноий даромадларини легаллаштиришни мақсад қилган А.Мусаев қайнонаси Д.Бадалова номидан "VUD Tehno Plus" МЧЖни таъсис этиб, корхона низоми жамғармасига 175 млн. сўм, айланма маблағ сифатида 193 млн. сўмлик пул ва товарлар киритиб, жиноий ҳамтовоклари билан яна бир қанча жиноятларни содир этиб келишган.

Ҳеч бир жиноят жазосиз қолмайди. А.Мусаев ва унинг жиноий шерикларига ҳам қонун олдида қилмишлари учун жавоб беришларига тўри келди.

Дастлабки тергов жараёнида улар томонидан давлат ва жамият манфаатларига етказилган 4 млрд. 800 млн. сўмлик зарар тўлиқ қопланди.

Жиноят ишлари бўйича Яккасарой туман судининг ҳукми билан "Spectrum Furniture LLC" компанияси атрофида уюшган жиноий гуруҳ аъзоларининг ҳар бири қонуний жазоларини олишди.



Кечки овқатдан сўнг хонадон бекаси оила аъзоларига янгиликни айтишга қарор қилди.

Иллати борнинг оёғи қалтирайди

— Суюнчи беринглр, ниҳоят яхши жой топиб келдим. Шаҳарга жудаям яқин, Юқори Чирчиқ туманида. Ер эгалари — эр-хотин ўша ердаги заводда ишлаб, бир эмас, учта ер участкаси олишган экан. Биттасини кимгадир сотишибди, иккинчисини менга ваъда қилишди. Нархи ўнчалик қиммат эмас, 10 минг доллар. Ҳозирча 5 мингини олиб, қолганини кейин, кадастр ҳужжатларини тўғрилашгандан кейин беришимизга рози бўлишди. Энди бемалол бориб, уй солсақ ҳам бўлаверди...

Орадан икки-уч кун ўтгач, Х.Содиқова (исм-фамилиялар ўзгартирилган) у ерга бориб, уй ҳужжатларини сўраган эди, унга заводнинг касба уюшмаси томонидан Жамила Сайфуллаевага 0,08 га ер майдони ажратиш тўғрисидаги баённома нусхасини тақдим этишди. Ўз навбатида Х.Содиқова ҳам эр-хотинга 5 минг АҚШ доллари бериб, бу ҳақда тилат ёздириб олди.

Аммо вақтинчалик бошпани куриб, қурилиш ишларини бошлаган оила аъзоларининг қувончи узокқа қўзилмади.

Бир сафар бир аёл келиб, ер майдонининг ярми унга тегишли эканлигини айтиб, жанжал қилса, бошқа гал яна бир киши пайдо бўлиб, ер майдонини у сотиб олганлигини, шунинг учун қурилиш ишларини тўхтатишни талаб қила бошлади. Бундан лол бўлган Х.Содиқова Ж.Сайфуллаевага учрашиб, бўлган воқеа ҳақида гапириб

берди. У эса бундай кишиларнинг аҳамият бермаслигини айтиб, тинчлантирди.

Шундай бўлса-да, ҳали ҳоқимиятдан, ҳали ИИБдан келиб, ернинг ҳужжатларини сўрашлари уларнинг тинчлигини бузарди. Бундай ташрифлардан тоқати-тоқ бўлган Х.Содиқова яна Ж.Сайфуллаевага учрашиб, ернинг ҳужжатларини тезроқ тўғрилаб беришни сўраган эди, у бу иш ўз-ўзидан битмаслиги, яна минг доллар берса, кадастр бўлимидагиларга бериб, ишни тезда ҳал қилишга ваъда берди. Аммо Х.Содиқова бор пулини қурилишга ишлатгани боис, умуман пули қолмаганини айтган эди, Ж.Сайфуллаева кинояли гап қилди:

— Сизни тушунолмай қолдим. Тўрт хона уй қуриб, атрофини ўраб олишга озмунча пул кетмагандир?! Шунча ишни амалга оширган одам энди арзимаган пулни топиб беролмайман, деб ўтисангиз-а?! Ундай деманг, уят бўлади. Бундан ташқари, бу пулни ўзим учун сўраётганим йўқ, кадастрдагиларга беришим керак...

Бу гапни эшитган Х.Содиқова ўзи берган 5 минг АҚШ доллари билан қурилиш учун сарфлаган 20 миллион сўм пулни талаб қилди. Ишнинг чаппасига кетишини кутмаган Ж.Сайфуллаева шошиб қолди ва уйни сотиб оладиган бошқа миҳоз топилгунча кутиб туришни сўради.

Бу орада туман кадастри идорасидан келган вакил завод касабга уюшмаси томонидан

берилган баённома нусхасининг қалбаки эканлиги, шу боис уй бузилишини айтганида, Х.Содиқова эсанкираб қолди. Ўша кунгич туман ҳоқимлигига бориб, юристга учрашди. Ундан ҳам ўзи уй қураётган ер майдони Ж.Сайфуллаевага тегишли бўлмай, захира майдони ҳисобланиши, шу сабабли ер олиб қўйилишини эшитгач, ҳуши учээзди.

Уйига келгач, нима қилишни ўйлай-ўйлай, охири эр-хотиннинг ёлгон ваъдаларига ишониб юрганини сезиб қолди ва ариза ёзиб, тегишли идорага мурожаат қилди. У ердигилар унга овоз ёзиш мосламасини бериб, Ж.Сайфуллаева билан учрашишни тайинлашди. Х.Содиқова уларнинг айтганини қилди ва кўп ўтмай, минг доллар берса, ишнинг битиришга ваъда берган Ж.Сайфуллаеванинг овози ёзилган мосламани келтириб берди. Шундан сўнг унга маҳсус ишлов берилган пуллари беришди. У Ж.Сайфуллаевага кўнглироқ қилиб, учрашув белгилади. Айтилган ерга борса, эр-хотин кутиб туришган экан. Пуллари берган вақтда, уларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари ўраб олишди.

Дастлабки тергов ҳамда эр-хотиннинг уйда ўтказилган тинтувда Ж.Сайфуллаеванинг бошқа қирқдорлари ҳам очилиб қолди. Жумладан, унинг уйдан маҳаллада истикомат қилувчи фуқароларга имтиёзлик тарзда ун ва ёғ маҳсулотлари ажратишга рўхсат беришчи, МФЙнинг думалоқ муҳри бо-

Шухрат ЭШОНОВ,
Юқори Чирчиқ туман
прокуратураси катта терговчиси

силган 132 дона талон, маҳалла фуқароларига тегишли давлат идораларига тақдим этиш учун тайёрланган, муҳр ҳамда штамп босилган оила аъзолари сони тўғрисидаги 41 дона маълумот бланкалари, нафақадагиларга пенсия пуллари олиш ҳуқуқини берадиган 8 та муҳр босилган ишончнома, муҳр қўйилган оқ қоғозлар ҳамда бошқа турли бланкалар топилиди. Маълум бўлишича, 2006 йилдан 2011 йилгача маҳалла фуқаролар йиғинида маслаҳатчи, озорқ вақт эса раис вази-фасини бажарувчи бўлиб фаолият юритган Ж.Сайфуллаева гўё текширув келиши муносабати билан бу ҳужжатларни уйига келтириб қўйган экан-у, кейин эсидан чиқиб кетганмиш.

Нимаям дердик, иллати борнинг оёғи қалтирайди, деб бежиз айтилмагани шулардан ҳам кўриниб турибди. Йўқса, идорада сақланиши лозим бўлган ҳужжатлар унинг уйда нима қилиди?

Айтмоқчи, Ж.Сайфуллаеванинг эри ҳам олпоқ эмас экан. Айрим маҳалла фуқароларига зугум ўтказиб, уларни муттасил камситиб, ҳақоратлаб келган Меҳмет Собировнинг айби тўлиқ исботланди ва ушбу ҳолатларни кўриб чиққан суд уларнинг ҳар иккаласига ҳам қилмишларига яраша тегишли жазо тайинлади.

Уяли алоқа идорасидаги «наҳанглр»

Ўзича, "хайрият, қутулиб қолам", деб хомтама бўлган эди. Қайта терговга чақирилди. Энди гувоҳ эмас, айбланувчи сифатида жавоб беришга тўғри келди. Ш.Қўндзозовнинг таклифини рад эта олмагани, нафсининг ногорасига ўйнагани учун пешонасини ҳибсхонанинг деворига уриб, ўзини ланглатди. "Фойла"га қолган битта енгил машинанинг пулини эди ўн баробар қилиб қайтариши керак.

У 25 ёшида, 2008 йилнинг август ойда "Юнител" МЧЖнинг Шарқий худудий филиали Андижон бўлимида, "жиҳозлар бўйича мутахассис" лавозимида иш бошлади. Унинг вазифаси Андижон бўлими орқали ўтказилган пул маблағлари миқдориди дистрибуторлар билан қўнғирларга ушла телефон аппаратлари учун маҳсус тўлов карталари ва SIM карталарини тарқатиб, ҳисоб-китобини юритишдан иборат эди. Шунингдек, МЧЖнинг бош офиси билан тузилган шартнома биноан, юқоридаги моддий бойликларнинг тўлиқ ва бус-бутун сақланиши учун ҳам моддий жавобгарлигини ўзининг зиммасига олди.

Янги иш бошлаган кезлари Фарғона шаҳрида жойлашган МЧЖ Шарқий худудий филиалининг офисига Андижон, Наманган, Қўқон бўлимларининг ҳисоботларини қабул қилиб олиб, бош офисга тақдим этиш билан шуғулланувчи жиҳозлар бўйича етакчи мутахассис Ш.Қўндзозов билан танишди. Ўша йили октябр ойда Тошкентдаги бош офисдан топириқ келди. "Наманган бўлимида маҳсус экспресс тўлов карталари тугаб қолибди. Зудлик билан Андижон бўлимидан Наманганга 120 минг донасини бериб юбориш зарур" экан. Ойбек ҳолис кузатувчи Ш.Қўндзозов иштирокида нақладой орқали маҳсус тўлов карталарини қайта юклаб берди.

Наманган бўлимининг мутахассиси Б.Юсупов карталарни олиб кетгач, тушиқдан сўнг Ш.Қўндзозов уни бир четга тортиди.

— Битта муаммо чиқиб қолди. Ҳисоб-китобларда адашдим шекилли, Фарғона бўйича ўн олти минг дона карталар кам чиқяпти. Илтимос, вақтинчага, ўрнини қоплаш учун бериб туринг. Декабрда қайтараман...

— Қандоқ бўларкин?

— Ҳўп деярверинг, қийналганимда қўлаб юборганингиз эсимдан чиқмайди. Кейин хурсанд қиламан.

Бу жойда Ойбек Садиков кўнгличанлик қилди. Ҳар бири 5 АҚШ доллари миқдориди 253 дона ва 3 доллар миқдориди жиами 15746 дона экспресс тўлов карталарини ҳеч қандай расмий ҳужжатсиз Ш.Қўндзозовга бериб юборди. Ҳар ойнинг охирида инвентаризация арафасида Ш.Қўндзозов ички тақсимот тарзида гўё Андижон бўлимидан Фарғона бўлимига қабул қилиб олинган (аслида пуллаб юборилган) карталарнинг ҳисоб-китобини компьютерига киритар, инвентаризация ўтганидан кейин эса гўё карталар омборга қайтарилгандай, қайта "отгузрак" қилиш йўли билан Андижон бўлимига ўтказиб қўяди. О.Садиков ҳам "устоз"дан ўрганиб, "сабоқ" олиб, аслида йўқ бўлган, талон-торож қилинган тўлов карталарини бор, дея ҳисоботларга тиркаб қўяверди. 48503 АҚШ доллари (ўша даврдagi расмий курс бўйича 65 млн. 33 минг сўм) миқдориди камомадни ашириб, бош офисга сохта маълумотларни тақдим этиб келди. Декабр ойи ҳам охирида. Ш.Қўндзозов маҳсус тўлов карталарини қайтариб беришни хаёлига ҳам келтирмиди. Ойбекка "яхшилиги" эвазига битта янги енгил машина пулини "тортик" қилиб,

Илҳомжон ХОДЖАЕВ,
Фарғона вилоят прокуратураси АМББ терговчиси
Исроил ИБРОХИМОВ,
«Huquq»

жиноий шеригини ўзига маҳкамроқ боғлаб олди. "Сираям хавотир бўлмаган, ҳеч ким тагига етолмайди", дея уни хотирхам қилди.

Бош офис томонидан Шарқий худудий филиалда ўтказилган инвентаризацияда экспресс тўлов карталарининг жуда кўп миқдордаги камомадни аниқланди. 132 минг АҚШ долларида зиёд миқдорда экспресс тўлов карталарини талон-торож қилган Ш.Қўндзозов қочиб яширинди. Дастлаб гувоҳ сифатида сўроқ қилинган, моддий жавобгарлигида бўлган экспресс тўлов карталаридан 48503 АҚШ доллари миқдориди камомад чиққан О.Садиковга нисбатан қўзғатилган жиноят иши эса суд мажлисида кўриб чиқилди.

Суд мажлисида у айбига иқроқ бўлди.

— Ш.Қўндзозовнинг ваъдасига ишониб, камомадини тўлдириб туриши учун ихтиёрийдаги кир саккиз ярим минг долларлик карталарни ҳужжатсиз берган эдим. Дарров қайтараман, деб ваъда берганди. Лекин, ваъдасини бажармади. У берган пулга битта енгил машина олдим. Етказилган зарарни қисман қоплаганимни инобатга олишингизни сўрайман.

Судда О.Садиков томонидан етказилган 65 млн. 33 минг сўмлик зарарнинг 54 млн. 442 минг сўми судланувчи томонидан қоплангани инобатга олинди. Суд зарарнинг қолган 10 млн. 591 минг сўмини ундирган ҳолда, унга 2 йилу 9 ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлади.

Аввало, ҳаммасига ўзи айбдор. Йўқса, АҚШ доллариға эҳтиёж туғилган экан, бу ишни қонуний йўл билан ҳал қилса, бўлар эди-ку. У эса, ишга ноқонуний ёнашди. Ўзича таниш қиларди. Топан ҳам. Айтилган манзилда уни ёшгина аёл кутиб олди.

Синалмаган отнинг сиртидан ўтма

Дилзода ДОВУДОВА,
Шайхонтоҳур туман
прокурорининг катта ёрдамчиси

— Сизга доллар керакми, гап бўлиши мумкин эмас. Албатта, бозор нархида эмас. Банкда танишларим кўп. Сўмингизни берсангиз, ҳашпаш дегунча доллар қилиб оласиз....-деди аёл.

— Қанчадан алмаштириб берасиз?-савол берди хари-дор.

— Хавотир олманг, бозор нархида эмас. Давлат курсида алмаштириб бераман.

Бу ерда иши битишига ўнчалик ишонқирамай келган А.Болтаҳўжаев, хурсанд ҳолда уйига қайтди. Ҳисоблаб кўрса, 5 минг АҚШ доллари 9 миллион бўлар экан. Йиғиб қўйилган пуллариининг ёнига яна қўшиб, ҳисобни тўғри қилди-да, аёлнинг ҳузурига ошиди...

Аёл уни алдамади. Икки-уч кундан кейин бир минг 200 АҚШ доллари олиб келди ва шунча пулни бирданга олиш қийин эканлигини айтиб, қолганини ҳам тез кунларда тўғрилаб беришни ваъда қилди. Иши тез битаетганидан қувонган А.Болтаҳўжаев бу гапга ишониб, яна 10 миллион сўм пулни унинг қўлига тутказиб, олдиндан миннатдорчилик билдирди.

Орадан бир неча кун ўтгач, аёл унинг олдиға келиб, аввалгига сафардагидек, 9 миллион сўм эвазига 5 минг АҚШ доллари келишини айтди. Ҳисобга тўғри бўлсин, дея бир миллион сўмининг эгасига қайтариб берди. Унинг бу ҳаракатидан кейин А.Болтаҳўжаевнинг аёлга ишончи янада ошди.

Аммо шу кундан бошлаб аёл қорасини ҳам кўрсатмай қўйди. Шундан кейингина А.Болтаҳўжаев аёлнинг фирибгарлигини пайқайди ва вақтни ўтказмай тегишли идораларга мурожаат қилди.

Охир-оқибат ёлгон ваъдалар бериб, бировнинг ишончига кирган ва унинг 16 млн. сўм пулини ўлаштирган М.Дадамухамедовга нисбатан суд тегишли жазо таъинланди.

Халқимизда "синалмаган отнинг сиртидан ўтма" деган мақол бор. Танилмаган-билмаган одамга ишониб, натижада катта миқдордаги маблағидан ажралиб қолган А.Болтаҳўжаев энди бу мақолни тез-тез ёдига олиб турса ажаб эмас.



Интилганга толе ёр дейди халқимиз. Бу гапнинг замирида оламолан мазмун бор. Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг барча соҳалар ривожланиши учун кенг йўл очиб берилди. Айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка яратилган қулайликлар ва имтиёзлар тобора кўпайиб, бу тармоқнинг юксалиши учун катта замин яратилмоқда.

Тадбиркорликнинг ривожланиши учун республикамиз тижорат банклари, айниқса "Асака" давлат-акциядорлик тижорат банки томонидан яратилган шароитлар, кўрсатилаётган турли банк хизматларини алоҳида таъкидлаш лозим.

Банк кредитлари ҳисобига замонавий технологияларга асосланган корхоналар барпо этилмоқда, амалдаги ишлаб чиқаришлар янги технологияларга асосан модернизация қилинмоқда. Бунинг натижасида янги иш ўринлари ташкил этилиб, аҳолининг даромадлари кўпайиши ҳисобига фаровонлик ошмоқда. Натижада, Ўзбекистон деб аталмиш бу табаррук заминда ҳалол меҳнат қилиб, "ўз бахтимга эришаман" деб орзу қилганларнинг ниятлари рўёбга чиқмоқда.

Ҳукуматимиз томонидан яратилаётган имкониятлардан фойдаланиб, биз ҳам юртимиз иқтисодиёти ривожига ўз ҳиссамизни қўшиб, янги иш ўринларини яратиш мақсадида юқори сифатли, импорт ўрнини

босувчи гилам ишлаб чиқаришга аҳд қилдик.

Ушбу соҳада иш бошлаб, уни ривожлантириш учун тажрибамиз етарли бўлгани билан олдимизга қўйган режаларимизни амалга ошириш учун сармоя етарли эмас эди. Корхонамизга замонавий ускуналар келтириш мақсадида кредит олиш учун "Асака" банк Самарқанд вилоят филиалига мурожаат этдик. Банк ходимлари бизнинг бизнес режамизни қисқа муддатларда кўриб чиқиб, ўзларининг маънавий маслаҳатларини бердилар. Ва кредит ажратиш бўйича ижобий қарор қабул қилдилар. Биз кредит маблағлари ҳисобига замонавий ускуналар олди ва ишлаб чиқариш ни йўлга қўйдик. Ҳозирги кунда жаҳон стандартлари талабига мос ке-

ладиган гилам маҳсулотлари ишлаб чиқариб, республикамиздаги ва хориждаги истеъмолчиларга етказиб берамиз. Банк кредитлари ҳисобига 50 та янги иш ўринлари яратилди. Бу иш ўринларидан 20 та-сига коллеж битирувчилари ишга қабул қилинди.

"Асака" банкдан олинган кредит маблағларидан самарали фойдаланишимиз натижасида корхонамизнинг йилдан-йилга ишлаб чиқариш қуввати ошиб, даромадимиз кўпайиб бормоқда.

"Асака" банк бўлимида интилган марраларга эришмоқдамиз. "Асака" банк билан ҳамкорликда фаолият юритганлар ҳеч қачон кам бўлмайди.

Камол АБДУЛЛОЕВ,
"Sam-Antep-Gilam" МЧЖ раҳбари

Давлат мулки қўмитасининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси 2013 йил 3 январь куни қуйидаги «Объектлар»ни сотиш бўйича оммавий оферта савдосига таклиф этади!

I. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг 2012 йил 23 ноябрдаги 131-С-сонли буйруғига асосан Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, Янгибод-2 қўрғонда жойлашган, баҳоси — 128 872 000 сўм бўлган, "Дам олиш маскани" бино ва иншоотлари (бундан кейин "давлат активи" деб юритилади) Оммавий оферта савдосига қўйилмоқда.

Давлат активини балансда сақловчи: Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси,

Давлат активининг умумий ер майдони 3400 кв.м, бино иншоотларнинг қурилиш ости майдони 226,62 кв.м. "Дам олиш маскани" бино ва иншоотларида сув, газ ва электр тармоқлари мавжуд.

II. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг 2012 йил 28 ноябрдаги 134-С-сонли буйруғига асосан, Тошкент вилояти, Пискент тумани, И.Хайдаров ФУХ ҳудудида жойлашган, эски "Шийпон" биносини (бундан кейин "давлат активи" деб юритилади) баҳоси — 27 855 000 сўм оммавий оферта савдосига қўйилмоқда.

Давлат активини балансда сақловчи: Пискент тумани ҳокимлиги.

Давлат активининг умумий ер майдони 2016,03 кв.м, бино иншоотларнинг қурилиш ости майдони 214,58 кв.м. "Шийпон" биносидида сув, газ ва электр тармоқлари мавжуд.

III. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг 2012 йил 28 ноябрдаги 134-С-сонли буйруғига асосан, Тошкент вилояти, Пискент тумани, Октепа ҚФЙ ҳудудида жойлашган, собиқ "10-сонли умум ўрта таълим мактаб" биносини (бундан кейин "давлат активи" деб юритилади) баҳоси — 86 674 000 сўм оммавий оферта савдосига қўйилмоқда.

та савдосига қўйилмоқда.

Давлат активини балансда сақловчи: Пискент тумани ҳокимлиги.

Давлат активининг умумий ер майдони 4217,93 кв.м, бино иншоотларнинг қурилиш ости майдони 715,52 кв.м. Бинода сув, газ ва электр тармоқлари мавжуд.

IV. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг 2012 йил 28 ноябрдаги 134-С-сонли буйруғига асосан, Тошкент вилояти, Пискент тумани, Дилафкор кўчасида жойлашган, собиқ "3-сонли умум ўрта таълим мактаб" биносини (бундан кейин "давлат активи" деб юритилади) баҳоси — 102 283 000 сўм оммавий оферта савдосига қўйилмоқда.

Давлат активини балансда сақловчи: Пискент тумани ҳокимлиги.

Давлат активининг умумий ер майдони 3225,59 кв.м, бино иншоотларнинг қурилиш ости майдони 1355,67 кв.м. Бинода сув, газ ва электр тармоқлари мавжуд.

Давлат активларини Оммавий оферта савдолари орқали сотиб олишнинг асосий шартлари:

— энг юқори сотиб олиш тўловини таклиф этиш;
— сотиб олиш қийматида қисқа муддатларда амалга ошириш.

Оммавий оферта савдолари 2013 йил 3 январь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 18:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризалар қабул қилишнинг охириги муддати: 2012 йил 2 январь куни соат 18:00.

Юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек ваколатли вакилнинг қатнашиши учун қонун ҳуж-

жатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси;

Жисмоний шахслар учун паспорт нусхаси, ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси;

Таклиф этилаётган сотиб олиш қиймати, унинг тўлаш муддатлари, муҳрланган конвертта солинган (2 нусхада).

Оммавий оферта савдоси натижаларига кўра қолиб чиққан иштирокчи 20 кун ичида сотувчи (Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси) билан олди-сотди шартномасини расмийлаштириш мажбурияти юқлатилади.

Оммавий оферта савдолари Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Ўзбекистон шох кўчаси, 55-ўй манзилидаги бинонинг 10-қаватда бўлиб ўтади.

Оммавий оферта ўтказилиши ва ариза ҳужжатларини тўлдириш билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Ўзбекистон шох кўчаси, 55-ўй. Тел: 259-21-18, 259-21-24.

Веб сайт: www.GKI.uz.

Ҳурматли тадбиркорлар ва ишбилармонлар! Оммавий оферта савдоларида қатнашиш учун ҳужжатларни топшириш ва савдоларни ўтказиш жараёнида қонунбузарликлар ва ўз ҳуқуқларингиз поймол қилиниш ҳолатлари ёки ошкоралик таъминланмаганлиги ҳолатлари рўй берган тақдирда Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг (8-371) 259-21-37 ишонч телефон рақамига хабар беринг.

Аукцион савдолари хабарномаси!

"BV TRADE SERVICE" итхтисослаштирилган масъулияти чекланган жамияти аукцион комиссияси иштирокида ўтказиладиган "АУКЦИОН" савдоларига таклиф этади!

3-ЛОТ. "Ромитанматлуботсавдо" тўлиқ ширкати устав фондидаги 25 фоиз улуши. **Бошланғич баҳоси — 42 935 260 сўм;**

4-ЛОТ. "Пешкуматлуботсавдо" масъулияти чекланган жамияти устав фондидаги 25 фоиз улуши. **Бошланғич баҳоси — 16 716 667 сўм;**

5-ЛОТ. "Вобкентматлуботсавдо" тўлиқ ширкати устав фондидаги 25 фоиз улуши. **Бошланғич баҳоси — 19 648 700 сўм;**

6-ЛОТ. "Фиждувонматлуботсавдо" тўлиқ ширкати устав фондидаги 25 фоиз улуши. **Бошланғич баҳоси — 202 607 248 сўм;**

7-ЛОТ. "Жондорматлуботсавдо" масъулияти чекланган жамияти устав фондидаги 25 фоиз улуши. **Бошланғич баҳоси — 3 540 800 сўм;**

Эслатма: "Бухороматлуботсавдо" акциядорлик компаниясининг юқоридидаги шаҳар ва туманлардаги таъкилотлар устав фондидаги улушлари 2012 йил 18 декабрь куни соат 12:00 да Бухоро шаҳар Мустақиллик кўчаси 10-ўй (3-қавати)да бўлиб ўтадиган такрорий "Аукцион" савдоларига ЛОТ тартибда чиқарилишини эслатиб ўтамоқда.

I. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 30 мартдаги 94-сонли "Истеъмол товарлари билан улгуржи ва чакана савдонини ташкил этишни такомиллаштиришга доир қўшимча чора тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан "Бухороматлуботсавдо" акциядорлик компаниясининг қуйидаги шаҳар ва туманлардаги таъкилотлар устав фондидаги улушлари такрорий 2012 йил 18 декабрь куни соат 12:00 да Бухоро шаҳар Мустақиллик кўчаси 10-ўй (3-қавати)да бўлиб ўтадиган такрорий "Аукцион" савдоларига ЛОТ тартибда чиқарилишини эслатиб ўтамоқда.

1-ЛОТ. "Когонматлуботсавдо" тўлиқ ширкати устав фондидаги 25 фоиз улуши. **Бошланғич баҳоси — 64 790 525 сўм;**

2-ЛОТ. "Олотматлуботсавдо" очик акциядорлик жамияти "Савдо-Харид" корхонаси устав фондидаги 25 фоиз улуши. **Бошланғич баҳоси — 18 725 970 сўм;**

билан улгуржи ва чакана савдонини ташкил этишни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан "Бухороматлуботсавдо" акциядорлик компаниясининг "Коракўлматлуботсавдо" тўлиқ ширкати устав фондидаги бошланғич баҳоси - 99 484 374 сўм бўлган 25 фоиз улуши 2012 йил 25 декабрь куни соат 12:00 да Бухоро шаҳар Мустақиллик кўчаси 10-ўй (3-қавати)да бўлиб ўтадиган "Аукцион" савдоларига чиқарилишини эслатиб ўтамоқда.

Закалат пули микдори юқоридидаги мулклар бошланғич баҳоси 10 фоизи микдордада белгиланган.

ТАЛАБГОРЛАР ДИҚҚАТИГА.

Аукцион савдосида қолиб топилган шахс 10 (ўн) кунлик муддат ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиши лозим. Мулк учун тўловларни тўлаш тартиби ва муддати олди-сотди шартномасида белгиланади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан савдоларда иштирок этиш учун белгиланган шаклдаги буюртманомалар "Аукцион ташкилотчиси" томонидан Бухоро шаҳар Мустақиллик кўчаси 10-ўй (3-қавати) манзили бўйича аукцион хабарномаси эълон қилинган кундан бошлаб савдоларнинг ўтказилиши белгиланган санадан бир кун олдин бўлган муддат-

га қадар қабул қилинади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлар "Аукцион ташкилотчиси" билан тўзиладиган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан белгиланган микдордаги закалат пуллариини тўлашлари ҳамда жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, ҳуқуқий шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, низоми нусхаси ва савдода қатнашувчи ишончли вакил учун тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Закалат тўлови учун реквизитлар: "BV TRADE SERVICE" итхтисослаштирилган МЧЖ СТУП 301480431, МФО 00120 ДАТ "Асака" банки Бухоро шаҳар филиалидаги ҳисоб рақами 20208000504828225001.

Буюртманомаларни қабул қилиш ёки аукцион савдоларига чиқариш билан танишиш ҳамда Сизларни қизиқтирган барча савдолар бўйича қуйидаги манзилларга мурожаат қилишиниз мумкин.

"Аукцион ташкилотчиси" — "BV TRADE SERVICE" итхтисослаштирилган масъулияти чекланган жамияти. Манзили: Бухоро шаҳар Мустақиллик кўчаси 10-ўй. (3-қават). Тел: 8 (365) 223-49-24. E-mail: bvtradeservice@mail.ru



«KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Сурхондарё вилоят филиалида ўтказиладиган очик танлов савдоларига таклиф этади!

Танлов савдоларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 25 апрелдаги ПК-1743-сонли қарорига ва Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармасининг 2012 йил 19 ноябрдаги 101-ОД-сонли буйруғига асосан қуйидаги давлат активи қўйилмоқда:

1. Шўрчи туман ҳокимлиги тасарруфидagi, Шўрчи туман, "Янгибозор" ҚФЙ, "Сергайрат" маҳалласида жойлашган, бошланғич баҳоси — 109 960 865 сўм бўлган "Маданият уйи биноси" (бундан кейин "Давлат активи" деб юритилади) мулккий мажмуа сифатида қўйилмоқда.

Давлат активини балансда сакловчи: Шўрчи туман ҳокимлиги.

Балансда сакловчининг ихтисослиги: Бошқарув.

Ер участкасининг умумий майдони 2740,20 кв.м. бино ва иншоотларнинг умумий ва фойдали майдони 882,11 кв.м.

"Давлат активи"ни танлов савдоси орқали сотишнинг асосий шартлари этиб қуйидагилар белгилансин:

- энг кўп оғир сотиб олиш тўловини таклиф этиш;
- энг юқори янги иш ўринларини ташкил этиш мажбуриятини олиш;
- сотиб олиш қиймати ва инвестиция киритишни қисқа муддатларда амалга ошириш бўйича энг яхши

бизнес-режа тақдим этган "иштирокчи" голиб деб топиллади.

Танлов савдолари 2012 йил 31 декабрь кuni соат 11:00 да бўлиб ўтади. Танлов савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Буюртманомаларни қабул қилишнинг охириги мuddати: 2012 йил 28 декабрь кuni соат 18:00.

Агар билдиришмодада белгиланган конвертларни очиб санасида бирорта ҳам буюртманомана тушмаса ёки фақат битта буюртманомана тушса танлов бўлиб ўтмаган деб ҳисобланади.

Танлов савдолари 2012 йил 31 декабрь кuni ўтмаган деб ҳисобланганда, такрорий танлов савдолари 2013 йилнинг 15 ва 30 январь кунлари соат 11:00 да ўтказилишини олдиндан маълум қиламиз.

Такрорий танлов савдолари учун буюртманомаларни қабул қилишнинг охириги мuddати 2013 йил 15 январдаги танлов савдо учун 2013 йил 14 январь кuni, 2013 йил 30 январдаги танлов савдо учун 29 январь кuni соат 18:00 да тўхтатилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилладиган закалат келишувига асосан, давлат активи бошланғич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган яъни 16 494 130 (ун олти миллион тўрт юз тўқсон тўрт минг бир юз ўттиз) сўм миқдордаги закалат пулини "КМСХ" МЧЖ Сур-

хондарё вилоят филиалининг ХОАБ "Трастбанк" Термиз шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020800004920609027, МФО: 01063, СТИР: 207122519.

Танлов савдоси натижаларига кўра голиб чиққан иштирокчига 20 кун ичида сотувчи (Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармаси) билан олди-сотди шартномасини расмийлаштириш мажбурияти юклатилади.

Савдо голиби томонидан тўланган закалат ўтказилган савдо натижалари тўғрисидаги баёнмодада қайд этилган сотиб олиш тўлови суммасининг 15 фоиздан камини ташкил этса, савдо голиби давлат активининг олди-сотди шартномаси тузилгунга қадар сотувчининг банк ҳисоб-рақамига ёки закалат шартномага мувофиқ савдо ташкилотчисининг банк ҳисоб-рақамига етишмаётган суммани тўлашишни таъминлайди.

Танлов савдолари Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳар, Ф.Хўжаев кўчаси 32-уй, "Тадбиркорлар маркази" биносиди бўлиб ўтади.

Танлов савдоларини ўтказилиши ва танлов ҳужжатларини тўлдирish билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича мурожаат учун манзил: Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳар, Ф.Хўжаев кўчаси 32-уй, "Тадбиркорлар маркази" биноси, электрон почта: user100@inbox.uz. Tel: (8-376) 227-57-94 Расмий сайти: www.1kms.uz Лицензия №RR-0001

«KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси Бош филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдосига Қорақалпоғистон Республикаси Давлат Мулкини Бошқариш Давлат Қўмитасининг 2012 йил 27 ноябрдаги 99/бп-сонли буйруғи шунингдек, Нукус шаҳар ҳокимининг 10.09.2012 йилдаги 02/09/166-сонли қарорига асосан Якка тартибда уй-жой куриш учун ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбоқ эгалик қилиш ҳуқуқини реализация қилиш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳридан қуйидаги 2 (икки) жами 2 дона ер участкалари аукцион савдосига қўйилмоқда:

— Нукус шаҳри, 410-кварталдан ер майдони 400кв.м бўлган 8-сонли ер участкаси.

Ер участкасига бўлган ҳуқуқининг бошланғич баҳоси — 30 680 сўм.

— Нукус шаҳри, 439А-кварталдан ер майдони 400кв.м бўлган 43-сонли ер участкаси.

Ер участкасига бўлган ҳуқуқининг бошланғич баҳоси — 22 080 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 31 декабрь кuni соат 12:00 да Нукус шаҳри, А.Шамуратова кўчаси, 117 Б уй ("Қорақалпоқ мулк маркази" МЧЖ) нинг "Ким-ошди" савдоси залида ўтказилади.

Буюртманомаларни қабул қилишнинг охириги мuddати: 2012 йил 28 декабрь кuni соат 18:00.

Мазкур ер участкалари 2012 йил 31 декабрь кuni ўтказиладиган очик аукцион савдосида сотилмаган тақдирда ер майдонларининг такрорий аукцион савдоси 2013 йилнинг 28 январь кuni соат 12:00 да ўтказилишини олдиндан маълум қиламиз.

Такрорий савдоси бўйича буюртманомаларни қабул қилиш 2012 йил 25 январь кuni соат 18:00 тўхтатилади. Савдога қўйилган ер участкалари билан шаҳар ҳокими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиш танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш мазкур хабарнома матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача "Ko'shmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси Бош филиали (Нукус шаҳри А.Шамуратова кўчаси, 117 Б уй) манзилида қабул қилинади. (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти).

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилладиган закалат келишувига асосан ер участкасига бўлган ҳуқуқини бошланғич баҳосининг 100 фоиз миқдориди закалат пулини "КМСХ" МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси Бош филиали "Турон банк" Нукус шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари

шарт: 202080000504920609003, МФО: 00585, СТИР: 207122519.

Савдо голибига савдо кунидан бошлаб 20 (иштинга) кун мuddат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш шартлари юклатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун савдо ташкилотчиси ва талабгор ўртасида закалат тўғрисидаги келишув имзоланди, шундан сўнг талабгор савдо ташкилотчисига аукцион савдоси ўтказиш тўғрисидаги хабарномада белгиланган мuddатларда қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукцион савдосида қатнашишга буюртманомани тақдим этади:

— Ўзбекистон Республикаси фуқаролари — паспорт нусхаси;

— хорижий юридик шахслар — уларнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, таъ-

сисчилар рўйхати ва уставини белгиланган тартибда легализация қилинган нусхаси;

— хорижий фуқаролар — чет давлат миллий ёки дипломатик паспорти;

— Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган ва яшаш гувоҳномасига эга бўлган шахслар — яшаш гувоҳномаси нусхаси;

— аукцион савдоси ўтказилиши тўғрисидаги хабарномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат пулини тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхасини тақдим этади.

Буюртманомаларни қабул қилинадиган манзил: Нукус шаҳри, А.Шамуратова кўчаси, 117 Б уй "Қорақалпоқ мулк маркази" МЧЖ биноси. Тел: (8-361) 222-84-44. Расмий сайти: www.1kms.uz. электрон почта: user14@inbox.uz Лицензия № RR-0001.

БИЛДИРГИ

"Kochmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Фарғона вилояти филиали қуйидагиларни маълум қилади!

"Биржа" газетасининг 2012 йил 22 ноябрдаги 135(1546)-сонини, ва "Huquq" газетасининг 2012 йил 22 ноябрдаги 47(828)-сонинида чоп этилган "Kochmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Фарғона вилояти филиалининг хабарномасига "Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Фарғона вилоят ҳудудий бошқармасининг 2012 йил 26 сентябрдаги 45-ПР буйруғи" қўшиб ўқилсин.

Манзил: Фарғона ш., Б.Марғиновий кўчаси, 35-уй. Тел: (8-373) 224-68-69

"EFFECT REAL GROUP" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган такроран очик "Аукцион" савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдоларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 31 март кунги 94-сонли "Истеъмол товарлари билан улгуржи ва чакана савдони ташкил этишни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига асосан Фарғона вилоят "Матлуботсавдо" АК тугатиш комиссиясининг 2012 йил 9 ноябрдаги 297-сонли ва 16 ноябрдаги 298-сонли хатларига асосан Фарғона вилоят "Матлуботсавдо" акциядорлик компаниясининг қуйида келтирилган жамиятлардаги улушлари аукцион савдосига қўйилмоқда.

1. Олтиариқ туман "Олтиариқ савдо инвест" (собиқ Олтиариқ туман "Матлуботсавдо") МЧЖдаги 22,36 фоиз улуши, бошланғич баҳоси — 181 472 526 сўм.

2. Бувайда туман "Янгиқўрган Фазил Инвест" (собиқ Бувайда туман "Матлуботсавдо") МЧЖдаги 25 фоиз улуши бошланғич баҳоси — 143 690 076 сўм.

3. Фурқат тумани "Омадли Инвест Тараққиёт" (собиқ Фурқат туман "Матлуботсавдо") МЧЖдаги 25

фоиз улуши бошланғич баҳоси — 206 834 612 сўм.

4. Ўзбекистон тумани "Нон ишлаб чиқариш" МЧЖдаги 25 фоиз улуши бошланғич баҳоси — 34 978 623 сўм.

5. Фарғона тумани "Авал Обод Савдо" (собиқ Авал "Матлуботсавдо") МЧЖдаги 25,0 фоиз улуши, бошланғич баҳоси — 19 821 485 сўм.

6. Фурқат тумани "Нон ишлаб чиқариш" МЧЖдаги 25 фоиз улуши, бошланғич баҳоси — 26 544 705 сўм.

Аукцион савдолари 2012 йил 26 декабрь кuni соат 10:00 да бўлиб ўтади.

Талабгорлардан савдода қатнашиш учун аризалар 2012 йил 24 декабрь кuni соат 17:00 гача қабул қилинади.

Мазкур улушлар 2012 йил 26 декабрдаги аукцион савдоларида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2013 йил 25 январь кuni соат 10:00 да бўлиб ўтиши олдиндан маълум қилинади. Ҳамда такрорий савдо учун аризаларнинг қабул қилишнинг охириги мuddати 2013 йил 23 январь кuni соат 18:00 гача.

Савдога қўйилган "улуш"ларнинг ҳужжатлари билан "Савдо ташкилотчиси" ёки Фарғона вилоят "Матлуботсавдо" АКнинг тугатиш комиссиясида бевосита танишишлари мумкин.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар "Савдо ташкилотчиси" билан тузилладиган закалат келишувига асосан, улушнинг бошланғич баҳосининг 10 фоиз миқдориди закалат пулини тўлов ҳужжатиди улушни номи кўрсатилган ҳолда "Савдо ташкилотчиси" "EFFECT REAL GROUP" МЧЖнинг рекевизитлари, ИИН: 302128329, МФО:00500, "Савдогарбанк" Фарғона вилоят бўлимидаги 20208000704943278001 ҳисоб рақамига тўлашлари керак.

Талабгорлар қизиқтирган барча саволлар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:

Фарғона шаҳар, Аҳмад Фарғоний кўчаси 43-уй, Фарғона вилоят "Матлуботсавдо" АК биноси.

Тел: +99895 404-54-84 "EFFECT REAL GROUP" МЧЖ. Лицензия RR 0094

БИЛДИРГИ

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармасининг 23.11.2012 йилдаги 223к-ПО-сонли буйруғига асосан «Huquq» газетасининг 01.11.2012 йилдаги 44(825)-сонинида "MULK-SARMAYA BROKERLIK UYI" ОАЖ томонидан берилган, Тошкент вилояти "Дори-дармон" ОАЖ устав фондидаги 9,01 фоиз давлат акция пакетини 2012 йилнинг 3 декабрдан бошлаб биржа савдоларига чиқариш бўйича эълон бекор қилинганлигини маълум қиламиз.

Сир эмаски, ўз касбига фидойи бўлган инсонлар ҳалол меҳнати ва амалга оширган савобли ишлари тўғрисида қадрланади. 25 йилдан зиёда ўзининг қонунчиликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш ҳамда ҳуқуқий амалий тажрибасини ёш ҳодимларни тарбиялашга бахшиди эди, жамоатчилик эътиборига сазовор бўлган инсонлардан бири, прокуратура фахрийси Моҳира Султанова қўлга 60 ёшини қарши олмоқда.

Ҳурмат ва эътироф соҳибаси



У фаолияти давомида Самарқанд вилоят прокуратураси тизимида туман прокурорининг ёрдамчиси, катта ёрдамчиси, туман прокурорининг ўринбосари, Самарқанд шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси лавозимларида самарали хизмат қилиб, шафтли меҳнат йўлини босиб ўтди.

Ўзининг меҳнатсеварлиги, камтарлиги ҳамда изланувчанлиги билан ҳамкасблари меҳрини қозongan Моҳира Султанова, жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этди.

Унинг қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ишига қўшган ҳиссаси прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳоланиб, бир неча маротаба рағбатлантирилди.

Ҳурматли Моҳира Асадовна, таваллуд айёмингиз муборак бўлсин! Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, хонадонингизга тинчлик-хотиржамлик, файзу барака тилаймиз!

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази



Давра суҳбати бўлиб ўтди

2012 йил 27 ноябрь кuni Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси ҳамда БМТ Бошлар Фондининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси (ЮНИСЕФ) билан ҳамкорликда "Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 25 ва 29-моддалари ижросини мониторингини" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Мониторинг натижалари бўйича қўмита эшитувини Қўмита раиси А.Саидов ва БМТ Бошлар Фонди ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси бошлиғи Жан Мишель Дельмот кириш сўзи билан очди. Улар Ўзбекистонда бола ҳуқуқлари муҳофазасини таъминлаш давлат сиёсатининг устувор вазифаси сифатида такомиллаштирилиб келинаётганини, бола ҳуқуқларини халқаро миқёсда ҳимоя қилиш жаҳон мамлакатлари ва халқаро ташкилотлар қатори Ўзбекистон Республикасининг ҳам доимий диққат эътиборида эканини таъкидлади.

Маълумки, Ўзбекистонда бола ҳуқуқлари ва эркинликлари 100 дан ортқ қонуналар билан тартибга солинишига қарамай "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини 2008 йил 7 январда қабул қилинди. Унинг 25 ва 29-моддаларида ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг жамиятга уйғунлаштириш, таълим, тиббиёт ва маданий маърифий муассасалардан фойдаланиш имкониятларини давлат томонидан таъминлашни, уларга худди бошқа болалар каби таълим олиш учун зарур бўлган маблағларни ажратиш ва уларнинг эҳтиёжларини инobatга олган ҳолда зарур бўлган махсус педагогик ёндашувларни таъминлаб бериш мажбурияти белгиланган.

Айтиш жоизки, бу борада мутасадди ташкилотлар томонидан муайян ишлар амалга оширилган бўлса-да, соҳада бола ҳуқуқлари кафолатларини янада ривожлантириш борасида ҳали ечимини қутаётган баъзи бир масалалар борлигига эътибор қаратилди. Оқик мулоқот тарзида ташкил этилган тадбирда иштирокчилар томонидан соҳадаги муаммолар ва уларни ечимига оид фикр-мулоҳазалар, амалий тақлифлар билдирилди.

Давра суҳбатида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутаты, БМТ Бошлар Фондининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси (ЮНИСЕФ) ҳодимлари, бир қатор вазирликлар, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари мутахассислар, олимлар ва оммавий ахборот воситалари ҳодимлари қатнашди.

Ўз мухбиримиз

Таълимда ҳуқуқий билим моҳияти

Бугунги кунда таълим муассасалари ҳодимларининг ёшлар ўртасида ҳуқуқбозликларнинг олани олиш ишларини ташкил этишдаги иштироки муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу жараёнда иштирок этиш учун эса педагогларнинг ўзлари ҳам билимларини мустаҳкамлаб боришлари зарур ва шарт. Шунингдек, улар ўз фанларини ўқитиш жараёнида тегнаш мавзуларда ҳуқуққа оид тушунчаларни ўқувчиларга синдириш имкониятига эга бўлиш билан бирга, дарсдан ташқари вақтлардаги тарбия жараёнида ҳам фаол иштирок этишлари керак.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ёшлар ўртасида долзарб ҳуқуқий мавзуларда маъруза, мулоқот, суҳбат, баҳс-мунозара, семинар ва конференциялар ўтказиш самарали усуллардан ҳисобланганини эътиборга олган ҳолда, бундай тарғибот ишлари ўқувчиларнинг қизиқишидан келиб чиқиб, ташкил этилсагина, мақсадга мувофиқ бўлади. Тарғиботни зўрма-зўраки, номига ташкил этиб бўлмайди. Бундай ёндашув талаба-ўқувчиларнинг ҳуқуқий билим олишида беварқлик ва лоқайдликни кучайтиради.

Яна бир нарсга эътиборли бўлишимиз талаб этилади.

Яъни, тарғибот ишларидаги тақдорларни ёшларнинг қизиқишига салбий таъсир қилиб қўйиши мумкин.

Қувонарлики, бугунги кунда таълим муассасаларида ҳуқуқ фанларини ўқитиш замон талаблари даражасига кўтарилиб, унинг ўқув-методик мажмуаси базаси ҳам мустаҳкамланди. "Давлат ва ҳуқуқ асослари", "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўқитиш" каби фанларнинг ўқитилишини самарали ташкил этиш талаба-ўқувчилар онги, билими ва маданиятини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этаётди.

Ҳуқуқий таълим-тарбиянинг

Рухсат ШАРИПОВА,
Самарқанд туманидаги
19-умумтаълим мактаби
бошланғич синф ўқитувчиси

муҳимлигини эътиборга олиб, ўқувчиларни бевосита ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга олиб бориб ўқи уларнинг ҳодимларини ўқиш жараёнига тақлиф қилган ҳолда амалий машғулотлар ташкил этиш ҳам билимларни мустаҳкамлашда яхши натижа беради.

Хулоса ўрнида айтиш лозимки, Конституция ва қонунлар тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўлган ёшлар дунёқарашининг кенглиги билан тенгдошлари орасида яққол ажралиб туради. Хусусан, уларнинг муқтақил фикр билдира олиш қўникмалари шаклланиб, фанларни ўзлаштириш даражаси ҳам сезиларли даражада ошади. Яна бир муҳим жиҳати, ўз муқтақил фикрига эга бўлган ёшлар ҳар қандай шароитда ҳам жамият манфаатига зид ҳаракат қилмайди.

Ишонч телефонлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти, назорат қилувчи ва лицензия берувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектларига рухсатномалар бериш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, қурилишга рухсат бериш, кадастр орқали расмийлаштириш ва бинолар ижараси учун тўлов миқдори белгиланган қонунбузилиш, бюрократик тўсқинликлар ва сансалорликларга йўл қўйилган тақдирда, Сиз тадбиркорлар ўз ҳуқуқларингизни ҳимоя қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютга оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар прокуратураларининг қуйдаги "Ишонч телефони" рақамларига ёки «007» қисқа рақамига қўнғирок қилишингиз мумкин.

№	Прокуратура органлари	Ишонч телефонлари
1.	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси	Код: 8371 232-43-91 232-45-40
2.	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖДЛҚК Департаменти	Код: 8371 233-84-20
3.	Андижон вилоят прокуратураси	Код: 8374 224-06-09
4.	Бухоро вилоят прокуратураси	Код: 8365 223-74-79
5.	Жиззах вилоят прокуратураси	Код: 8372 226-09-62
6.	Қашқадарё вилоят прокуратураси	Код: 8375 221-07-82
7.	Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси	Код: 8361 222-26-39
8.	Навоий вилоят прокуратураси	Код: 8436 225-07-17
9.	Наманган вилоят прокуратураси	Код: 8369 226-23-02
10.	Самарқанд вилоят прокуратураси	Код: 8366 235-07-34
11.	Сирдарё вилоят прокуратураси	Код: 8367 233-38-22
12.	Сурхондарё вилоят прокуратураси	Код: 8376 223-20-36
13.	Тошкент шаҳар прокуратураси	Код: 8371 271-12-26
14.	Тошкент вилоят прокуратураси	Код: 8371 277-76-18
15.	Фарғона вилоят прокуратураси	Код: 8373 224-04-80
16.	Хоразм вилоят прокуратураси	Код: 8362 222-45-71

Бундан ташқари, фуқароларнинг илтимос ва мунозараларини кундалик навбатчилик асосида қабул қилиш бўйича барча туман-шаҳар прокуратураларида ишонч телефонлари ташкил этилган. Сизнинг ҳуқуқ ва қўниий манфаатларингиз тезкорлик билан ҳимоя қилиниши таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси жамоаси прокуратура фахрийси, Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист

Сейитхан БАЗАРБАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради

Тошкент шаҳар прокуратураси жамоаси бўлим бошлиғи ўринбосари Хуршида Рахманова онаси

Нафиса РАХМАНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Тошкент шаҳар прокуратураси жамоаси Тошкент шаҳар прокурорининг ёрдамчиси

Бурхон Бекназарова онаси

Қўйсин БЕКНАЗАРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази ҳамда Самарқанд вилоят прокуратураси жамоаси прокуратура фахрийси

Иван ИВАНЬЯНнинг

вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради

Huquq
yuridik gazeta

Muassis:
O'zbekiston
Respublikasi
Bosh
prokuraturasi

Bosh muharrir:

Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati:

Abbosxon SANGINOV
Muxtor ZOIROV
Gulnoza RAHIMOVA
Svetlana ORTIQOVA
Baxtiyor NAZAROV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Shaykat YODGOROV
(mas'ul kotib)

Tahririyat manzili:

Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 233-98-40,

233-10-53

Faks: 233-10-53,

233-64-85

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.
Sotuvda kelishilgan narxda

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqiz qilinmaydi va egalarga qaytarilmaydi.
Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.
«HUQUQ» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
□ — tijorat material.
Reklama materiallarining mazmuni uchun tahririyat javobgar emas.

Nashr ko'rsatkichi

231

Buyurtma j-5885. 45 847 nusxada bosildi.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Navbatchi muharrir: O' DEHQONOV
Musahhih: M. GAMBAROV
Navbatchi: O' DEHQONOV
Bosmaxonaga topshirish vaqti: 20.00.
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta «O'zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi.
Korxona manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Gazeta O'zbekiston
Respublikasi matbuot va
axborot agentligida 2009-yil
12-oktabrda 0188-raqam
bilan ro'yxatga olingan.

